

Тошкент вилояти ҳокимлиги бошқарув аппарати тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қондалар

1. Ушбу низоми "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги "Маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг инвестицияларни кенг жалб қилиш ва инновацияларни жорий этиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-3407-сонли ҳамда Президентининг 2018 йил 29 октябрдаги "Тошкент вилоятининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3987-сонли қарорларига мувофиқ Тошкент вилояти ҳокимлиги бошқарув аппаратининг (кейинги ўринларда бошқарув аппарати деб аталади) вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бошқарув аппарати ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Бошқарув аппарати ҳокимлик фаолиятини ахборот-таҳлилий, ҳуқуқий, ташкилий-техник ва молиявий-ҳўжалик жиҳатидан таъминлайди, халқ депутатлари Кенгаши мажлисларини унинг регламентига мувофиқ тайёрлайди, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлайди, уларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва ижрони мунотазам равишда текширади.

Бошқарув аппарати халқ депутатлари Кенгаши фаолиятига ташкилий, техник ва бошқа хизматлар кўрсатилишини таъминлайди.

4. Бошқарув аппарати ўз фаолиятини ҳокимнинг раҳбарлигида амалга оширади.

5. Бошқарув аппарати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

II. Бошқарув аппаратининг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар бошқарув аппаратининг вазифалари ҳисобланади:

ҳокимнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунида ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида белгиланган ваколатлари амалга оширилишини давлат органлари ва бошқа ташкилотлар биргаликда таъминлаш;

вилоятни, шаҳарлар ва туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденцияларини комплекс таҳлил қилиш, асосий иқтисодий кўрсаткичлар динамикаси, таркибий ва институционал ўзгартиришлар, маҳаллий бюджетлар ижросининг тизимли мониторингини олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган энг муҳим устувор вазифаларга мувофиқ вилоятни, шаҳарлар ва туманларни комплекс ривожлантириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

вилоятда, шаҳарлар ва туманларда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш, иқтисодийда, энг аввало, саноатда ва қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларга доир тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш;

вилоят, шаҳарлар ва туманларнинг субвенция олишини қисқартириш, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш, ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

тадбиркорликни жадал ривожлантиришни таъминлаш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқларини ва қаролатларини таъминлаш юзасидан ҳудудий бошқарув органларининг масъулиятини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш;

ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, ҳудудий инвестиция дастурлари, ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техника янгилаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурлари, маҳаллийлаштириш дастури, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш дастурлари, янги иш ўринлари ташкил этиш ва бандликни таъминлаш дастурлари, шунингдек бошқа ҳудудий дастурлар амалга оширилиши мониторингини олиб боришнинг самарали тизимини яратиш;

ҳудуд иқтисодийсининг рақобатбардорлигини тубдан ошириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш фермер хўжаликлари, тадбиркорлик субъектларининг экспортдаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширилиши ташкил этиш;

қишлоқ хўжалигида ислохотларни ва таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари амалга оширилиши юзасидан тизимли таҳлилни ташкил этиш;

аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳудудий бошқарув органларининг, бошқа ташкилотларнинг янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли турмуши даражаси ва сифатини янада оширишга доир ишларни мувофиқлаштириш;

қонунийликни, ҳуқуқ-тартиботни ва ҳавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа экстремал ҳолатлар оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар амалга оширилишини ташкил этиш;

ривожлантиришнинг мақсадли давлат дастурлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилишини ташкил этиш;

норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, шу жумладан айрим тармоқларга ва умуман ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қисқа муҳлатли ва узоқ муҳлатли таъсирини комплекс баҳолаш.

7. Бошқарув аппарати ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва топшириқлари билан ҳокимликка юкланган вазифаларни бажариш юзасидан зийк чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аппарати, ҳоким ва унинг ўринбосарлари топшириқлари бўйича тегишли таҳлилий, маълумотнома, статистик материаллар ва тақлифларни умумлаштиради ва тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритиладиган, шунингдек халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким томонидан қабул

қилинадиган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари бажарилишни юзасидан тизимли назоратни ташкил этади, уларнинг бажарилишини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни ва назорат режаларини ишлаб чиқади;

муаммоли масалаларни ҳал этиш ҳамда вилоят шунингдек иқтисодиёт тармоқлари иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда ҳокимга ва унинг ўринбосарларига тақдим этади;

иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг муҳим устувор вазифаларни, давлат дастурлари амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилиши бўйича тегишли тизимланган маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

халқ депутатлари Кенгаши сессиялари, ҳудудларнинг фаоллари йиғилишлари, ҳоким ва унинг ўринбосарлари иштирокида ўтказиладиган йиғилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминлайди, қабул қилинган қарорлар амалга оширилишини назорат қилади;

халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимликнинг комиссиялари ва бошқа ишчи органлари ишларини ташкил этади, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

ҳокимликнинг иш режасини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

жиомоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга мувофиқ куриб чиқади;

махфийлик режимини, давлат сирлари бўлган маълумотлар ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа ахборотларнинг хизмоя қилинишини таъминлайди;

халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимликнинг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни белгиланган тартибда хабардор қилишни ташкил этади.

Бошқарув аппарати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

III. Бошқарув аппаратининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бошқарув аппарати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҳокимликда куриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

зарурат бўлганда, ҳокимликда куриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш учун давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарлари ва ходимларини таклиф этиш, ушбу мақсадлар учун вақтинчалик эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмаларидан, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларидан, бошқа ташкилотлардан улар томонидан киритилган халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари ва қарорлари лойиҳаларини пухта қайта ишлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;

ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари иштирокида куриб чиқишни ва муҳокама қилинишини ташкил этиш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотлар раҳбарларига тезкорлик билан ҳал этишни талаб

киладиган ҳамда бошқарув аппаратига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

давлат ва ҳужалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг, халқ депутатлари Кенгаши ҳужжатлари, ҳокимнинг ҳужжатлари ва топшириқлари, унинг ўринбосарлари топшириқлари бажарилиши юзасидан ишларини белгиланган тартибда ўрганиш.

9. Бошқарув аппарати:

ўзига юкланган вазифалар ҳамда функцияларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аппаратлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратиининг топшириқларига мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳалари ҳар томонлама ва ўз вақтида тайёрланиши;

Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тенденцияларининг, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида иқтисодий ислохотлар амалга оширилишининг тизимли мониторинги олиб борилиши, ҳокимнинг кўриб чиқиши ва қарор қабул қилишини талаб этувчи муаммолар масалаларнинг келиб чиқиш сабаблари ўз вақтида аниқланиши ва таклифлар тайёрланиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан вилоят ва вилоят ҳокимлигига киритиладиган таклифлар ва ҳужжатлар сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилишининг ташкил этилиши, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, шунингдек асосланган ҳулосалар тайёрланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрациясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, халқ депутатлари Кенгашига кўриб чиқиш учун киритиладиган ҳужжатлар ва таклифлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш сифати, шунингдек киритилган лойиҳалар ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва ҳужалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”ги ПҚ-2881-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги “Ижро интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги 12-сон қарорларига мувофиқ ижро интизоми таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси қонуллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилиши ҳолатининг ўз вақтида ўрганилиши учун жавоб беради.

IV. Бошқарув аппаратиининг тузилмаси

10. Бошқарув аппаратиининг тузилмаси ҳокимнинг ёрдамчиси, ҳокимининг ишлаб чиқарилини маҳаллийлаш-тириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчиси, ҳокимнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, ҳокимнинг матбуот котиби – ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси, жрo аппарати гуруҳи, ташкилий-назорат гуруҳи, ахборот-таҳлил гуруҳи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи, юридик хизмати, муҳофаза билан ишлаш бўлими, умумий бўлим, коррупцияга қарши курашни “комплаенс назорат” бўйича бош мутахассси, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг маъсул котиби, ишлар бошқармаси, ҳоким ўринбосарларининг котибиятларидан иборат бўлади.

Бошқарув аппаратынинг тузилмаси ва ходимларининг чекланган сони Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 октябрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг инвестицияларни кенг жалб қилиш ва инновацияларни жорий этиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3407-сонли ҳамда 2018 йил 29 октябрдаги “Тошкент вилоятининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3987-сонли қарорлари билан белгиланади.

11. Бошқарув аппаратынинг ишлари ҳоким томонидан тасдиқланадиган Бошқарув аппарати ва ходимларнинг функционал вазифалари тўғрисидаги Низомга, Иш юритиш бўйича йўриқномага, ҳокимнинг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаш-тириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчиси, ҳокимнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, ҳокимнинг матбуот қотиби – ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси, ижро аппарати гуруҳи, ташкилий-назорат гуруҳи, ахборот-таҳлил гуруҳи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи, юридик хизмати, мурожаатлар билан ишлаш бўлими, умумий бўлим, коррупцияга қарши курашниш “комплаенс назорат” бўйича бош мутахассси, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул қотиби, ишлар бошқармаси, ҳоким ўринбосарларининг қотибиятлари тўғрисидаги низомларга мувофиқ ташкил этилади.

12. Ҳокимнинг ёрдамчиси, ижро аппарати гуруҳи, ташкилий-назорат гуруҳи, ахборот-таҳлил гуруҳи, ҳуқуқни муҳофиза қилиш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи, юридик хизмат ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул қотиби ишлар бошқармаси ўз фаолиятида ҳокимга бўйсунди.

Қотибиятлар, тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш гуруҳи ҳамда ер участкаларини олиб қўйилиши ва компенсация бериш ишларини мувофиқлаштириш шўъбаси ўз фаолиятида ҳокимнинг тегишли ўринбосарларига ва мурожаатлар билан ишлаш бўлими ҳамда умумий бўлими ўз фаолиятида ижро аппарати гуруҳига бўйсунди.

13. Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Ташкилий-кадрлар хизмати билан келишган ҳолда ҳокимнинг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари вилоят ҳокими билан келишган ҳолда ҳокимнинг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ижро аппарати гуруҳи раҳбари вилоят ҳокими билан келишган ҳолда ҳокимнинг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ҳоким ўринбосарининг қотибияти мудир ва мутахассислари ҳокимнинг тегишли ўринбосари тақдирномаси бўйича ҳокимнинг қарор ва фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ҳокимнинг ёрдамчиси ва бошқарув аппаратынинг бошқа ходимлари ҳокимнинг фармойиши билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

14. Ҳокимнинг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаш-тириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчиси, ҳокимнинг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, ҳокимнинг матбуот қотиби – ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси, ижро аппарати гуруҳи, ташкилий-назорат гуруҳи, ахборот-таҳлил гуруҳи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи, юридик хизмати, мурожаатлар билан ишлаш бўлими, умумий бўлим, коррупцияга қарши курашниш “комплаенс назорат” бўйича бош мутахассси, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул қотиби, ишлар бошқармаси, ҳоким ўринбосарларининг қотибиятларининг функционал вазифалари ҳоким томонидан тасдиқланади.

V. Бошқарув аппарати фаолиятини ташкил этиш

15. Бошқарув аппарати ишлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон

Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқларига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқларига, ҳоким ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек ҳокимлик, таркибий бўлинмалар, уларнинг раҳбарлари ва мутахассисларнинг иш режалари асосида ташкил этилади.

16. Ҳоким ўринбосарларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари билан ҳокимликка қуйидаги соҳаларда юқланган вазифаларни бажариш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижали амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган:

а) саноатни ривожлантириш, молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш соҳасида:

худуднинг саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш, юқори қўшилган қийматли, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқаришларни кенгайтириш асосида худуднинг экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган минерал-ҳомашёни ва кишлок ҳўжалиги ҳомашёсини саноат йўли билан янада чуқур қайта ишлаш бўйича янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш дастурий чора-тадбирларини амалга ошириш;

саноатнинг ишламаётган корхоналари фаолиятини тиклаш чора-тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш дастурлари амалга оширилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинганлиги ҳужжатларда белгиланадиган иқтисодий-молиявий, тадбиркорлик ва камбағалликни қисқартириш соҳасининг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ худудни комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Республика миқёсида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган мақсадли дастурларни ижросини таъминлаш;

вилоят, шаҳар ва туманларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларини шу жумладан, ялпи худудий маҳсулот, саноат, хизмат кўрсатиш, чакана савдо айланмаси, экспорт, инфляция, бандлик, маҳаллий бюджетнинг ҳар йилги прогноз параметрларини асосланган ҳолда ишлаб чиқиш ва уни самарали ижросини ташкил қилиш, дебитор-кредитор қарздорликларни юзага келишини олдини олиш юзасидан тизимли ишларни амалга ошириш ва қарздорликни бартараф қилишнинг самарали усулларини жорий этиш;

иқтисодиёт масалалари бўйича тегишли вазирлик, идоралар, қўмиталар, тижорат банкларининг худудий тузилмалари иш фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳолини тадбиркор қилиш мақсадида улар билан тижорат банклари ўртасида мулоқот ўрнатиш учун ҳар бир ҳонадонга комплекс банк ва молиявий хизматларни таклиф қилиш орқали имтиёзли кредитлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва суъсиз амалга ошириш;

тармок ва худудий бошқарув органлари ўзвий ҳамкорлигини йўлга қўйиш иқтисодиётнинг барча тармоқларини, шу жумладан, базавий тармоқларини ўзвий ривожлантириш, бунда туман, шаҳар ва вилоят кесимида ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқаришни модернизациялаш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашни амалга ошириш;

иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, худуд иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини комплекс ривожлантиришнинг асосий дастурларини, шу жумладан, саноат, маҳаллийлаштириш, кишлок ҳўжалигини барча соҳасини, айниқса пахта толасини ва мевасабзавотни қайта ишлаш, хизматлар соҳасини ривожлантириш каби мақсадли дастурларни қафолатланган молиявий манбааларини аниқлаган ҳолда туман, шаҳар ва вилоятнинг маҳаллий

бюджети параметрлари билан узвий тарзда ишлаб чиқиш ва сузсиз амалга оширишни таъминлаш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва эркинликларининг кафолатларини таъминлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, янги корхоналар, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида корхоналарни ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турли қатламлари бандлиги масалаларини ҳал этиш орқали маҳаллий бюджетнинг даромад базасини кенгайтириш, республика ва маҳаллий бюджетга тушумлар ҳажминини ошириш ҳисобига маҳаллий бюджет субвенцияси ҳажминини босқичма-босқич кискартириш ва баргараф этиш;

кишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, қўп тармоқли фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш, бу соҳани индустриялашган тармоққа айлантириш мақсадида кишлоқ хўжалигининг барча турдаги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилишни кескин кенгайтириш учун махсус дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, дунёдаги нарх конъюктурасини ўрганиб таҳлил қилиб бориш ва янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш;

камбағалликни кискартириш, айниқса аҳолининг кишлоқ жойларда ҳаёт даражасини ва сифатини ошириш, янада фаровон ҳаёт кечирishi учун пенсия ва нафакалар, реал даромадларини барқарор ошириш манбааларини яратиш;

иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш мақсадида, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга, амалга оширилаётган бозор ислохотларини чуқурлаштиришга, йўналтирилган аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, бандликни, аҳоли даромадлари ўсишини ва ҳаёти даражасини ошишини таъминлаш;

маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини ошириш ва уларни жаҳон ҳамда минтақа бозорларига киритиш, маҳсулотларнинг таркибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

ишлаб чиқариш кучларини макбул жойлаштириш ва янги иш ўринлари ташкил этиш ҳисобига банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшларни ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш;

қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, хусусий мулкнинг манфаатларини, тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари ва кафолатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада ислохотларнинг стратегик вазифаларига ва устувор йўналишларига мувофиқ илмий ва технологик салоҳиятни янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг, амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларнинг даражаси, сифати ва самарадорлигини ошириш, уларнинг натижаларидан амалда кенг фойдаланиш;

истеъмол товарлари, аҳолини истеъмол товарлари ва пулли хизматлар билан таъминлаш бўйича маркетинг тадқиқотлари юзасидан бозорлар, ярмарка ва кўргазмалар фаолиятини мувофиқлаштириш;

чакана ва улуғуржи савдони, пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, савдони ташкил этиш ва хизматлар кўрсатишининг янги шакллари ва усулларини кенг жорий этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек савдо ва хизматлар кўрсатишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

б) кишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида:

кишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини таркибий ўзгартиришни таъминлаш;

деҳқончилик ва агротехнологияларнинг илгор усулларини жорий этиш чора-тадбирларини кўриш, кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига бозор тамойиллари ва механизмлари асосида хизмат кўрсатувчи тармоқлар, бўғинлар ва тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ишларининг ва суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларининг бажарилишини мувофиқлаштириш;

кишлоқ хўжалигини, сув хўжалигини ва ўрмон хўжалигини ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ишларини ташкил этиш, ушбу соҳаларга ташқи ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирларини куриш;

чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик ишларини ривожлантириш, хайвонларни сунъий уруғлантириш хизматларини кенгайтириш, зооветеринария хизмати кўрсатиш тармогини ривожлантириш ишларини ташкил этиш;

ипакчиликнинг озуқа базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, юкори маҳсулдор тут ипак куртини етиштириш, тирик пилла етиштиришни купайтириш;

табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларнинг сақланишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, дастлабки қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ва маҳсулотларни экспорт қилиш, шунингдек кишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектларини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

в) шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, ободонлаштириш ва коммунал хўжалик соҳасида:

аҳолининг эҳтиёж ва талабларини урганиш асосида шаҳарларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича киска ва узок муддатли дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширилишини таъминлаш;

шаҳарларнинг муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, замонавий тежамкор технологиялар билан жиҳозлаш тадбирларини амалга ошириш;

шаҳарлардаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш;

шаҳарсозлик ва шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

кўрсатилаётган уй-жой-коммунал хизматлар даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳолини сифатли ичимлик сув билан ва санитария жиҳатидан тозалаш тизими билан таъминлаш;

аҳоли пунктларини ободонлаштириш, коммунал хўжаликни ривожлантириш;

г) инвестициялар ташқи савдо соҳасида:

иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, инвестиция сиёсатини амалга оширишни таъминлаш;

инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни молиявий маблағ ҳамда замонавий технологиялар шаклида жалб қилиш;

ҳудудий инвестиция дастурлари амалга оширилишини, янги ишлаб чиқаришларни куриш ва ўз вақтида ишга тушириш ҳамда ишлаётган ишлаб чиқаришларни модернизациялашни таъминлаш, шунингдек уларни амалга оширишга хорижий инвестицияларни жалб этиш ишларини фаол бажариш;

вилоят иқтисодиётини ривожлантиришнинг ўртача ва узок муддатли дастурларига киритилган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш масалалари бўйича шаҳар ва туман ҳокимликлари ва бошқа органларининг иш фаолиятини яхшилаш;

ҳудуднинг саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш, юкори қўшилган қийматли, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқаришларни кенгайтириш

асосида ҳудуднинг экспорт салоҳиятини оширишга йўнаттирилган минерал-ҳомашёни ва қишлоқ ҳўжалиги ҳомашёсини саноат йўли билан янада чуқур қайта ишлаш бўйича янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш дастурий чора-тадбирларини амалга ошириш;

Тармок инвестиция дастурлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекс дастурлари, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурлари билан уйғунликда чет эл, биринчи навбатда туғридан-туғри инвестицияларни, молиявий-техник кўмак воситаларини жалб қилиш;

д) капитал қурилиш ва коммуникациялар соҳасида:

стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини ташкил этиш, халқаро стандартларни қўллаш, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлилигини ошириш;

капитал қурилишни ташкил этиш ва пудрат ишлари дастурларини амалга ошириш;

пудрат ташкилотларини мутаносиб ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

қурилиш индустриясини ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш;

муҳандислик ва йўл-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

транспорт хизмати қўрсатишни яхшилаш;

давлат органларида, иқтисодий тармоқлари ва соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда ахборот ҳавфсизлигини таъминлаш, шунингдек почта ва телекоммуникацияларни ривожлантириш, ахборот фаолияти, архив иши, интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқларни ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш;

е) туризмни ривожлантириш соҳасида:

ҳудудда туризм соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, соҳа бўйича қабул қилинган конценция ва дастурларнинг ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни белгилаш;

чет эл мамлакатлари билан туризм соҳасида, айниқса, туристлар оқимини кўпайтириш ҳамда уларни жалб қилиш бўйича ҳамкорлик ва қелишувларни ваколатли органлар билан биргаликда амалга ошириш;

соҳани чуқур таҳлил қилиш асосида туристик хизматларга бўлган талабни ўрганиш, бу борадаги мавжуд муаммолар ва тўсиқларни аниқлаш, соҳани ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг мақсадга мувофиқ моделларини ишлаб чиқиш ва қелгуен режаларни белгилаш;

туризм ва спорт соҳасининг иқтисодий, экологик, ижтимоий, маданий ва бошқа йўналишлардаги инфратузилмасини такомиллаштириш ва туризм йўналишидаги диққатга сазовор жойлар, уларни яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш ҳамда амалга ошириш;

аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларидан қелиб чиққан ҳолда, спорт иншоотларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, жаҳон стандартларига жавоб берадиган замонавий спорт инвентарлари ва асбоб-ускуналари билан жиҳозлашни ҳисобга олган ҳолда, илғор хорижий тажриба асосида халқаро тоифадаги спорт ўсталарини тайёрлаш учун ҳар бир ҳудудда спорт комплекслари ташкил этиш;

қўшимча туризм маршрутларини ишлаб чиқиш, чет эл ёшларини кенг жалб этиш мақсадида қўнғилочар комплекслар барпо этиш, маданий мерос объектларида халқимизнинг тарихи, турмуш тарзи, ўрф-одатлари, анъаналарини ўзида акс эттирган экспозицияларни ташкил этиш;

туризм соҳасида туризмни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш;

туризмни ривожлантириш масалаларни бўйича масъул вазирлик, идора ва кўмиталарнинг ҳудудий бошқармалари иш фаолиятини мувофиқлаштириш;

туризм соҳасига замонавий ахборот-коммуникация воситаларини жалб этиш, хорижий туроператорлар ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш орқали республиканинг мавжуд сайёҳлик салоҳиятини кенг ёритиш чораларини куриш.

ўрта ва узок муддатли истиқболда вилоятда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш ва оммавий спорт ҳамда олий югуқлар спорти соҳасида аниқ вазифалар ва мақсадли кўрсаткичларни белгилаш;

спортчилар томонидан юқори натижаларга эришиш ва мамлакатни Олимпия ҳамда Осиё уйинларида, шунингдек, Жаҳон чемпионатларида муносиб намоён қилиш учун спорт секциялари ва мактаблари даражасидан бошлаб, мамлакатнинг терма жамоасигача бўлган даражада иқтидорли ва истиқболли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва уларнинг маҳоратини оширишнинг узлуқсиз тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ё) ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар соҳасида:

Ёшлар сиёсати соҳасида:

ёшлар, яъни ўттиз ёшдан ошмаган шахслар, хусусан, таълим билан камраб олинган ёшлар, уюлмаган ёшлар, ёш мутахассислар, тадбиркор ёшлар, ёш фермерлар, ёш онлаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

умумтаълим мактабларининг 9-, 11-синф битирувчиларини касбга йўналтириш ва уларни кейинчалик ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида ўқиш билан тўлиқ камраб олиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш;

профессional таълим муассасалари (касб-ҳунар мактаби, коллеж, техникум) фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан, уларни ҳудудлар кесимида оптимал жойлаштириш, истеъдодли ёшларни камраб олиш, ўқув жараёни сифатини ошириш;

олий таълим йўналишлари ва олий маълумотли кадрлар тайёрлаш кўрсаткичларининг ҳудудлар бўйича оптимал тақсмоти юзасидан асосланган таклифлар ишлаб чиқиш, битирувчиларни чуқур professional билимларга эга бўлишларига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

таълим тизимининг барча босқичларида ўқув жараёни сифатини, ўқувчи-талабаларнинг давоматини таъминлаш юзасидан аниқ чораларни куриш ва назорат қилиш, бу борада таълим муассасаси, маҳалла, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, профилактика инспекторлари ва ота-оналарни ўзаро ҳамкорликдаги ишларини мувофиқлаштириш;

аҳоли, ёшларнинг кинтобхонлик маданиятини юксалтириш, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш.

“оммавий маданият”нинг кўринишларига қарши маънавий профилактика ишларига раҳбарлик қилиш;

таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларига, компьютер технологиялари ва интернет-ресурсларидан фойдаланишнинг илғор қуникмаларига ўргатиш бўйича комплекс чора-тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича уларнинг мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олган ҳолда 5 та муҳим ташаббус доирасида аниқ ва манзилли чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқиш, турли тўғарақларга, шу жумладан, болалар мусика ва санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига камраб олиш ишларини тизимли ташкил этиш;

ёшларни юксак ахлокий тарбиялаш, уларни мафқуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва жамиятда юксак маънавиятнинг қарор топтириш борасидаги ишларга раҳбарлик қилиш;

ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар гарбияси масаласида жамоатчилик назоратини ташкил этиш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ота-оналарнинг педагогик маданиятини юксалтиришга, баркамол авлод тарбиясида “оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик концепциясини амалга оширишга раҳбарлик қилиш;

уюлмаган ёшларнинг манфаатларини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи давлат органлари, муассасалар ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини

мувофיקлаштириш ҳамда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш;

уюлмаган ёшларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш учун уларнинг эҳтиёжини аниқлаш бўйича мониторинг олиб бориш ва баҳолаш, касбга урғатиш, ишга жойлаштириш, жумладан, кичик ва ўрта бизнес ва онлаин тадбиркорликка кенг жалб этиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

ёш мутахассисларни ишга жойлаштиришнинг тизимли мониторингини ташкил этиш, меҳнат бозорида уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш, ёш кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ишларни амалга ошириш;

ёшлар тадбиркорлиги ҳамда ёш фермерлар фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ёшлар тадбиркорлигини ташкил этишда қумаклашиш, имтиёзли кредитлар бериш, жой ажратиш, моддий ва техник воситалар билан таъминланишига доир дастурларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш, кам таъминланган ёш оилаларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда моддий ёрдам бериш чораларини кўриш;

хар томонлама қамол тошган, қатъий эътиқодга ва қарашларга эга бўлган, мустакил фикрлайдиган ёшларни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ишларини тегишли берилган ваколат доирасида таъминлаш;

ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини ва ижтимоий фаоллигини оширишга, шунингдек ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган ишларни тегишли масъул идоралар билан ҳамкорликда ташкил этиш;

ёшларнинг иш билан бандлиги, уларни кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, шунингдек ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига қумаклашди;

иктидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратилишида иштирок этиш;

болалар ва ёшларни спорт билан мунтазам шугулланишга кенг жалб этиш, жисмоний соғлом ва ёш авлодни шакллантириш, спорт иншоотларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ва улардан самарали фойдаланиш, уларни жаҳон стандартларига жавоб берадиган жиҳозлар ва ускуналар билан таъминлаш чораларини кўриш;

ж) жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар соҳасида:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар туғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ва диний масалаларни ҳал этишда ягона сиёсат олиб бориш;

давлат органларининг вилоятда жойлашган жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг манфаатларини ҳисобга олиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш;

давлат органларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ўзаро ҳаракатларини мувофיקлаштириш ҳамда виждон эркинлигини ва диний ташкилотлар туғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш;

“Ҳаж” ва “Умра” тадбирларини ўтказишда маҳаллий давлат, жамоатчилик ва диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофיקлаштириш;

маънавий ва миллий кадриятларга, халқимизнинг диний эътиқодлари ва урф-одатларига қарши йўналтирилган мафкуравий таҳдидларга қарши самарали курашиш, ёт ғояларни тарқатишга қарши кураш олиб бориш тадбирлари амалга оширилишини таъминлаш;

миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашда давлат органларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлигини мувофיקлаштириш;

миллатлараро дўстлик принципларини қарор топтиришга, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган жамоатчилик таъаббусларини рағбатлантириш, мувофיקлаштириш ва тақдирлаш чора-тадбирларини кўриш;

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамгармасининг, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг минтакавий тузилмалари фаолиятига қўмаклашиш;

3) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш соҳасида:

жамиятда «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилининг тулақонли ва самарали жорий этилишида ҳар томонлама қўмаклашиш, оилалар ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш;

оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, «Соғлом оила — соғлом жамият» гоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини юритиш, нотинч ва муаммолари оилаларга манзилли қўмаклашишни ташкил этиш;

хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга оид давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қафолатларини таъминлаш;

хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;

хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, кишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳалла тизимини ривожлантириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги ўрни ва ролинини кучайтириш, аҳоли қундалиқ муаммолари билан ишлаш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги мавқеини юксалтириш;

маҳаллаларда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларида ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

ёлғиз кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга моддий қўмаклашиш, ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашда ҳуқуқий, услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, нуронийларнинг билим ва бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш масалаларида самарали фойдаланиш;

фуқаролар йиғинларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

17. Ҳокимнинг ёрдамчиси:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Администрациясининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бевосита ҳокимга йўллаган ёзма топшириқлари тўғрисида ўз вақтида ахборот берилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди ва ҳокимнинг резолюциясига мувофиқ унинг ижросини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг Администрациясининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли топшириқлари бажарилишининг назорат қилиш ва таҳлил этишни таъминлайди, топшириқларнинг бажарилишини ва натижалари тўғрисида ҳокимга ахборот беради;

ҳокимнинг жорий иш режаларини шакллантиришда иштирок этади ва уларнинг ижросини ташкил қилади;

ҳокимнинг номига тушган хат-хабарларни таҳлил қилади, пухта экспертизадан ўтказди,

зарурият бўлганда, бошқарув аппаратининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда тегишли топшириқлари (фишкарларни) тайёрлайди, тегишли материаллар ҳақида ҳокимга

ахборот беради ва имзоланган топшириқларнинг белгиланган тартибда ижрочиларга юборилишини ташкил этади;

жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг ҳоким томонидан қабул қилинишини ташкил этади ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг оғзаки, ёзма ва электрон мурожаатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган топшириқларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

ҳоким томонидан юкланган ва функционал вазифаларда назарда тутилган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

18. Ижро аппарати гуруҳи:

вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги доимий комиссиялари фаолиятини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш;

вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари девонхоналарига услубий раҳбарликни амалга ошириш, уларни ахборотларини эшитиш, ижро интизоми бўйича консултациялар ўтказиш;

вилоят ҳокимлиги мажмуаларидан, бўлим, бошқарма, ҳудуддаги бирлашма, ассоциация, концернлар, шаҳар ва туман ҳокимликларидан, корхона, ташкилотлардан, зарур ҳужжатларни олиш, таҳлил этиш ва вилоят ҳокимлигида кўриб чиқиш учун таклифлар киритиш;

заруратга қараб вилоят ҳокимлигининг гуруҳ, бўлим, бошқармалари, бирлашмалари, барча корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мутасадди мутахассисларини вилоят ҳокимлигида кўриб чиқиладиган масалани тайёрлаш ишларига жалб қилиш;

гуруҳ ваколатига кирувчи масалалар юзасидан вилоят ҳокимлигининг бўлим, котибият, бошқарма раҳбарларини, ҳудуддаги бирлашма, концерн, корхона ва ташкилотлар, қўни маҳаллий давлат органларини раҳбарлари ва масъул ходимларини таклиф этиш ва уларни эшитиш;

халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг сессияларида, қўни маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йиғилишларида, шаҳар ва туман ҳокимлари ўтказадиган мажлисларда иштирок этиш, аҳолини қабул қилиш, жойларда уларни ариза, таклиф ва шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиб, ҳал қилишларини таъминлаш;

Тошкент вилояти ҳокими ижроия маҳкамасида, шаҳар ва туман ҳокимликларида, бошқарувнинг ҳудудий тармок органларида "Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, фармойишлари ва топшириқлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ижросини ташкил этиш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилишни асосий қондалари" асосида иш юритишни ташкил этиш ва бу борадаги ишларни мувофиқлаштириб бориш;

вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим ва устивор масалалари, шуниингдек узоқ даврга мўлжалланган ҳужжатлари бўйича тегишли гуруҳ ва котибиятлар томонидан назорат режасини ишлаб чиқиши ва амалга оширилишини назоратга олиш;

белгиланган муддатларда тегишли таркибий бўлинмалар, мансабдор шахслар ва ходимлардан назоратдаги ҳужжатларнинг ижроси тўғрисида ахборотномалар олиш;

ҳокимлик гуруҳ ва котибиятлари, бўлим ва бошқармалари, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда жойлардаги корхона ва ташкилотларда ижро интизоминини мақсадли ўрганиш;

вилоят ҳокимининг юқорида айтиб ўтилган ҳужжатларни бажариш юзасидан қабул қилинган қарор ва фармойишларининг бажарилишини таъминлаш чорасини кўриш;

вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишлари лойиҳаларини ўрганиб чиқиб, тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклифлар бериш;

Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокими қарор ва фармойишларининг бажарилиши бўйича ижро интизоминини мустаҳкамлаш;

вилоят ҳокими ижроия маҳкамаси мутахассислари ва ходимларининг иш юритиш, ижро интизоми масалалари бўйича касб малакаларини ошириш юзасидан ўқувлар ташкил этиш;

жойларда ўтказилган мақсадли ўрганишлар жараёнида аниқланган камчиликлар юзасидан вилоят ҳокимига маълумотномалар, ҳамда уларни бартараф этиш ҳақида таклифлар киритиш, чора-тадбирларини белгилаш;

тасдиқланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ иш юритиш ва архив ишларини ташкил этишни таъминлайди, тушадиган хат-хабарларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш,

ҳисобга олиш, тақсимлаш ва мансублигига кўра юборишни, чиқувчи хат-хабарларни қабул қилиш ва жўнатишни ташкил қилади;

ҳокимнинг ёрдамчиси ва ҳоким ўринбосарларининг котибиятлари билан биргаликда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини белгиланган тартибда кўриб чиқишни ташкил қилади;

махфийлик режимини ва давлат сирлари ҳисобланадиган маълумотларни ёки қонун билан кўрикланадиган бошқа сирларни ҳимоя қилишни таъминлайди;

ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширади ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, шунингдек, ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилиши ҳолатини ўрганиш чора-тадбирларини амалга оширади.

19. Ташкилий-назорат гуруҳи:

ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширади ҳамда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, шунингдек, ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилиши ҳолатини ўрганиш чора-тадбирларини амалга оширади;

бошқарув аппарати раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш туғрисидаги таклифларни ҳокимнинг кўриб чиқиши учун белгиланган тартибда киритади;

таъдиқланган намуналар номенклатурасига мувофиқ кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, мутахассисларни тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш чора-тадбирлари комплексини амалга оширади, кўриб чиқиладиган номзодларни ҳар томонлама ўрганишни ва улар бўйича ишончли материаллар тайёрланишини таъминлайди;

келгусида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлик лавозимларига кўтариш учун бошқарув кадрлари заҳирасини шакллантириш ишларини ташкил этади;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқарув кадрлари фаолиятининг тизимли мониторингини олиб боради;

бошқарув кадрларини ҳисобга олиш, уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдларини шакллантириш ва юритиш ишларини ташкил этади;

заҳирага киритилган бошқарув кадрларининг касбий билимларини доимий такомиллаштириш, малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараёнини ташкил қилади;

ҳокимларнинг мутасаддилик қиладиган ўринбосарлари билан биргаликда ҳокимлик аппарати кадрларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бошқарув кадрлари ва уларнинг заҳираси туғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва доимий янгилаб боришни таъминлайди;

ташкилый-кадрлар масалалари бўйича ҳокимнинг қарорлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, ҳоким раҳбарлигида ўтказиладиган йиғилишлар, мажлислар, учрашувлар ва бошқа тадбирларни ташкил этиш чора-тадбирларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Ташкилий-назорат гуруҳи туғрисидаги Низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

20. Ахборот-таҳлил гуруҳи:

ҳокимликнинг иш режаси бажарилиши мониторингини ташкил этади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

экспертиза натижалари бўйича ҳужжатлар лойиҳалари ҳақида ҳокимга ахборот беради, ҳоким томонидан имзоланган ҳужжатларга виза қўяди ва уларнинг чиқарилишини ташкил этади;

ҳоким томонидан ўтказиладиган мажлисларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишлари ва турли комиссияларнинг кун тартиби лойиҳаларини шакллантиради, ҳокимга тасдиқлатади ва тегишли ҳужжатлар тайёрланишини таъминлайди;

ҳоким томонидан ўтказиладиган мажлисларни ташкил этади, топшириқларни умумлаштиради, уларнинг бажарилишини назорат қилади, ҳокимни ва ҳудудни комплекс ривожлантириш йиғма бошкармаси бошлигини уларнинг бажарилиши ва натижалари тўғрисида белгиланган муддатларда хабардор қилади;

бошқарув аппаратининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда ҳокимнинг куриб чиқилиш учун ахборот-маълумотнома ва бошқа материалларни, шунингдек ҳокимнинг маърузалари ва нутқларини тайёрлайди;

белгиланган тартибда ҳокимлик иш режаси лойиҳасини шакллантиради, унинг бажарилиши юзасидан назоратни ташкил этади;

халқ депутатлари Кенгаши ҳамда ҳокимнинг ҳужжатлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказишни ташкил этиш ва сифатли тайёрлаш бўйича ҳокимнинг ўринбосарлари билан ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик қилади;

амалга оширилаётган ҳатти-ҳаракатлар тўғрисида жамоатчиликни дарҳол хабардор қилиш ҳамда ҳокимликнинг фаолияти матбуот, радио, телевидение ва бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғида ҳолисона ёритилиши учун бошқарув аппаратининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимликнинг фаолиятини янада тулиқ ва ҳолисона ёритиш мақсадида миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда журналистлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

матбуот конференциялари, брифинглар ўтказиш, интервьюлар олишни ва ҳокимликнинг раҳбарияти ва ходимлари билан оммавий ахборот воситалари нақилларининг бошқа учрашувларни ташкил қилади;

халқ депутатлари Кенгашининг ва ҳокимликнинг фаолияти масалалари юзасидан жамоатчилик фикрини ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари пуқтан назарини ўрганиш бўйича таҳлилий ишларни амалга оширади, ҳокимлик раҳбариятига ахборот бериш учун матбуотда эълон қилинган долзарб материаллар шарҳларини тайёрлайди;

оммавий ахборот воситалари билан ахборот-маълумотномаларни эълон қилиш ишларини амалга ошириш учун халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимлик фаолияти тўғрисидаги таҳлилий, статистик ва бошқа материаллар маълумотларининг тизимлаштирилган банкни ташкил қилади;

Ахборот-таҳлил гуруҳи тўғрисидаги Низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

21. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича гуруҳи:

жамоат тартибига риоя этишни, фуқаролар ҳавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ва соғлигини муҳофаза қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни таъминлаш, паспорт-виза режимига риоя қилиш, ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш масалаларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини қонунчиликда белгиланган ваколатлар доирасида мувофиқлаштириш;

ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этган шахслар билан ишлаш масалаларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва давлатнинг бошқа органлари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни таъминлаш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича давлат дастурлари тайёрланиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқирилиши, тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг ҳолатини таҳлил қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва жиноятчиликни қисқартириш шакллари ва усулларини, шунингдек чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ишларини ташкил этиш;

жиноятчилик, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашишга жамоатчиликни кенг жалб этиш ишларини ташкил қилиш йўли билан қонун устуворлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

давлат стратегик ва сафарбарлик заҳираларини шакллантиришни, шу жумладан уларни тўплаш, сақлаш ва янгилаб боришни, шунингдек давлат стратегик ва сафарбарлик заҳираларидан белгиланган тартибда тезкорлик билан фойдаланишга доимий тайёр бўлишни таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини делимитация, демаркация ва релемаркация қилиш, чегаралар яқинидаги муаммоларни ҳал этиш, нолегал миграцияга қарши курашиш, республика ҳудудига товарлар ва контрафакт маҳсулотларни ноқонуний олиб кириш масалалари билан боғлиқ тадбирларни белгиланган тартибда амалга ошириш;

мудофаа қудратини таъминлаш, ҳарбий хизматга мажбур шахсларни ҳисобга олиш чора-тадбирларини амалга ошириш, бронга қўйиш масалалари бўйича давлат ва ҳужалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиради;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тугатиш, табиий офатлар, эпидемиялар, ва бошқа экстремал ҳолатларда тегишли органларнинг ишларини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

ҳоким томонидан ўтказиладиган Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича йиғилишларнинг кун тартиби лойиҳаларини шакллантиради, ҳокимга тасдиқлатади ва тегишли ҳужжатларнинг тайёрланишини таъминлайди;

ҳоким томонидан ўтказиладиган Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича йиғилишларни ташкил қилади, топишириқларни умумлаштиради, уларнинг бажарилишини назорат қилади, уларнинг бажарилиши ва натижалари тўғрисида ҳокимни белгиланган муддатларда хабардор қилади;

махфийлик режимини ва давлат сирлари ҳисобланадиган маълумотларни ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларни ҳимоя қилишни таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича ҳокимликка юкланган вазифаларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

Ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича турухи тўғрисидаги Низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

22. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котибининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 январдаги 13-сон қарори билан тасдиқланган Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ ташкил этилади.

23. Юридик хизматининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сон қарорлари билан тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ ташкил этилади.

24. Ишлар бошқармаси:

бошқарма аппарати фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш, ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш йўли билан ишлар сифатини яхшилашни амалга оширади;

бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда халқ депутатлари Кенгаши сессияларига ва бошқа йиғилишларга техник хизмат кўрсатишни ташкил қилади;

ҳокимликнинг фаолиятини молиявий-ҳужалик ва моддий-техник таъминлашни таъкил қилади, ҳокимлик ходимлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш тadbирларини амалга оширади, молия интизомига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

Ишлар бошқармаси туғрисидаги Низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

25. Ҳоким ўринбосарининг қотибияти:

Ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш бўйича ҳоким ўринбосари ишларини ташкил қилади:

ҳокимликка киритилган таклифларнинг ҳамда қотибият юритиши соҳасига кирувчи масалалар бўйича халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари лойиҳалари кўриби чиқилишини таъминлайди, уларни эксперт жиҳатдан ишлаб чиқилишини, қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилади;

тизимли мониторинг ташкил этилишини ва тегишли тармоқлар ҳамда соҳаларда иқтисодий ислохотларнинг ҳолати ва натижадорлиги туғрисидаги маълумотлар банки шакллантирилишини, шунингдек муаммолар масалаларни ҳал этиш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини, тармоқларни ривожлантиришнинг истикболли вазифалари амалга оширилишини таъминлайди;

ҳоким ва ёки унинг ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлислар, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишлари ва турли комиссиялар мажлислари материаллари тайёрланишини ва уларда қабул қилинган қарорлар расмийлаштирилишини таъминлайди;

Ҳоким ўринбосари қотибияти туғрисидаги Низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

26. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш гуруҳи:

бизнес юритиш, шу жумладан бизнесни рўйхатдан ўтказиш, ер участкалари бериш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, ташки иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва шу қабилар бўйича халқаро ташкилотларнинг тадқиқотлари доирасида баҳоланадиган тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонуни ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда жорий этилиши мониторингини олиб боради ва чуқур таҳлил қилади;

“ягона дарча” тамойили бўйича тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари курсатувчи ягона марказларнинг ва давлат хизматлари курсатувчи бошқа ваколатли органларининг фаолиятини, шунингдек давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бевосита алоқасиз шакллари жорий этишнинг ҳолатини таҳлил қилади;

ишбилармонлик муҳити индикаторларини баҳолаш ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари асосида тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлиги туғрисидаги таҳлилий материалларни тайёрлайди ва кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига киритади;

ҳудудда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга, шунингдек тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий қафолатларини мустаҳкамлашга ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришни рағбатлантиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга доир таклифларни таклифларни ишлаб чиқади;

тадбиркорликни ривожлантиришдаги энг муҳим муаммолар бўйича семинарлар ва давра суҳбатларини мунтазам ўтказиш, шунингдек тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги туғрисидаги материалларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан тадбиркорлик субъектлари орасида ахборот ва тушинтириш ишларини ташкил этади.

Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш гуруҳи туғрисидаги Низомга ва ҳокимнинг қарорларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

27. Бошқарув аппарати таркибий бўлинямасининг раҳбари (қотибият мудири, гуруҳ раҳбари ва бошқалар):

таркибий бўлинмага бевосита раҳбарлик қилади, уз ўринбосарларининг (мутахассисларнинг) ишларини ташкил қилади ҳамда бўлинмага юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши юзасидан шахсан жавоб беради;

қиритилган таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишда давлат принципларига катъий риоя қилинишини таъминлайди, уларнинг эксперт жиҳатидан ишлаб чиқирилишини ташкил қилади ва тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларнинг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлайди;

тасдиқланган тузилмага ва штатлар рўйхатига мувофиқ лавозимга тавсия этилаётган номзодлар, мутахассисларнинг касбий даражасини ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва уларга жазо чоралари кўриш бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва киритади;

ўринбосарлар (мутахассислар) ўртасида вазифалар тақсимотини, шунингдек бўлинманинг ярим йиллик иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва тасдиқлашга киритади, мутахассисларнинг иш режаларини тасдиқлайди.

ҳоким ёки унинг ўринбосари ўтказадиган йиғилишларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва комиссиялар мажлисларида, шунингдек котибиятнинг иш юритиш соҳасига қирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган бошқа йиғилишларда қатнашади;

иш юритишнинг белгиланган тартибда олиб боришни таъминлайди, чиқувчи хат-хабарларни имзолайди.

28. Бош мутахассис (етакчи мутахассис, етакчи мутахассис):

функционал вазифаларга мувофиқ таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ишлаб чиқирилиши, ишончлилиги ва ўз вақтида тайёрланиши ҳамда функционал вазифаларга мувофиқ топшириқлар ва қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган таклифларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини ҳар томонлама таҳлил қилади, улар бўйича таҳлилий материалларни ва эксперт таклифларини тайёрлайди, шунингдек уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарур тарзда қилинишини таъминлайди;

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисида котибият мудирига, шунингдек белгиланган тартибда ҳокимнинг ўринбосарига ахборот беради;

қабул қилинган ҳужжатлар бўйича назорат режасини ёки ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритади, иктисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг ҳужжатлари бажарилишини таҳлил қилади;

тегишли функционал масалалар ва ҳужжатлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгиланишини ташкил этади;

давлат ва ҳўжалик бошқарув органларининг тегишли ҳудудий бўлинмалари, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратларининг таркибий бўлинмалари (иктисодий, молиявий ва ҳуқуқий хизматлар) ишларининг ҳолати ва натижадорлигини доимий равишда ўрганади, улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритади;

ҳоким ёки унинг ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлисларда, шу жумладан ҳар ҳафталик аппарат йиғилишларида ва ўзига бириктирилган масалалар бўйича ҳар қил комиссиялар мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этади;

тегишли бўлинмалар тўғрисидаги низоми ва функционал вазифаларга мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

29. Бошқарув аппарати бошқа таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассисларининг вазифалари ва функциялари тегишли таркибий бўлинмалар тўғрисидаги номзодларда ва ҳоким томонидан тасдиқланадиган функционал вазифаларни тақсимлашда белгиланади.

30. Бошқарув аппаратини сақлаш ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш белгиланган тартибда амалга оширилади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ БОШҚАРУВ АППАРАТИНИНГ ИШ ТАРТИБИ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур иш тартиби Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Тошкент вилояти ҳокимлигининг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Вилоят ҳокимлиги вилоятда иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда самарали фаолият кўрсатишга раҳбарлик қилишни, Ўзбекистон Республикаси Қонунилар, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишлари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарорлари ва вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишлари ижро этилишини таъминлайди.

3. Вилоят ҳокимлигига юклатилган вазифаларни амалга ошириш вилоят ҳокими, унинг ўринбосарлари, гуруҳ, котибият, бошқарма ва бўлимлар раҳбарларининг фаолияти, шунингдек, вилоят ҳокимлиги аппаратидаги вақтинчалик комиссияларининг, тегишли қарорлари билан ташкил этилган бошқа ишчи органларнинг ташкилий-амалий иши билан таъминланади.

4. Вилоят ҳокимлигининг фаолиятига раҳбарликни Тошкент вилояти ҳокими амалга оширади. Вилоят ҳокимининг топшириғига биноан ҳоким ўринбосарлари вилоят ҳокимлиги ишини ташкил қилади.

5. Вилоят ҳокимлиги аппарати, унинг гуруҳлари ва котибиятлари иш тартиби вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган тегишли Низомлар билан белгиланади.

6. Вилоят ҳокимлиги аппарати ишларини мувофиқлаштириб бориш вилоят ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари томонидан амалга оширилади.

II. Вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати ишини режалаштириш

1. Вилоят ҳокимлиги иши ҳафталик, ойлик, ярим йиллик ва йиллик режаларга мувофиқ олиб борилади.

Вилоятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий муаммоларини ҳал этиш учун гуруҳлар, котибиятлар, бўлим ва бошқармалар комплекс ёки мақсадли дастурлар, тадбирларни ишлаб чиқатилади, улар вилоят ҳокими ўринбосарлари, мажмуа раҳбарлари томонидан вилоят ҳокимига кўриб чиқиш учун киритилади.

2. Иш режаси лойиҳасига масалаларни киритиш тўғрисидаги таклифлар вилоят ҳокимлиги котибиятлари, гуруҳлари, бўлим ва бошқармалари, бирлашмалари ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликлари таклифларини ҳисобга олган ҳолда киритилади.

Таклифлар режалаштириладиган давр бошлангунча 20 кундан кечикмай кўриб чиқиш ва умумлашган режага киритиш учун вилоят ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳига топширилади.

3. Режалаштирилган масалаларни кўриб чиқиш муддатларини ўзгартиришга ёки уларни чиқариб ташлашга фақат вилоят ҳокими руҳсат беради.

4. Вилоят ҳокимига унинг ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари иш режасининг ўтган давр мобайнида қандай бажараётганлиги тўғрисида мунтазам равишда ахборот бериб боради.

III. Вилоят ҳокимлигига масалаларни киритиш тартиби

1. Вилоят ҳокимига "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонун билан унинг ваколатига кирувчи масалалар кўриб чиқиш учун киритилади.

Вилоят фаоллари йиғилишида муҳокама этиш учун масалалар вилоят ҳокимлиги гуруҳ ва котибиятлар, бошқарма ва бўлимлар раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари томонидан киритилади.

Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ўзларининг юқори идоралари орқали, вазирликлар тасарруфидаги йирик корхоналар раҳбарлари бевосита, давлат секторига кирмаган корхона ва ташкилотлар эса ўзлари жойлашган ҳудуд ҳокимликлари орқали мурожаат қиладилар ва масалалар киритадилар.

2. Вилоят ҳокимлигига киритиладиган ҳар бир масала одатда, давлат тили (ўзбек тили)да аниқ баён этилган, асосланган қарор ёки фармойиш лойиҳаси, шунингдек масаланинг моҳияти баён этилган ва мазкур ҳужжатни қабул қилиш зарурлиги асослаб берилган қисқача хат, ахборот ва маълумотнома тарикасида тақдим этилади. Амалга оширилиши, қўшимча моддий ва бошқа харажатларни талаб қиладиган қарор ва фармойишлар лойиҳаларини тақдим этишда молиявий-иқтисодий асосланган ҳужжатлар илова қилинади.

Қарорлар, фармойишларнинг лойиҳалари амалдаги қонун ҳужжатларига мос бўлиши, уларда кўриб чиқиладиган масала пухта таҳлил қилинган ва ҳолис баҳоланган, ижрочилар олдига аниқ ифодаланган мақсад ва вазифалар қўйилган бўлиши, уларда амалга оширса бўладиган муддатлар белгиланиши керак.

Қарор ёки фармойишнинг тайёрланган лойиҳаси билан айни бир вақтда вилоят ҳокимининг қарорларига ўзгартиришлар, қўшимчалар ёки уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги тақлифлар ҳам киритилади.

3. Айнан шу масалалар бўйича илгари қабул қилинган қарорлар бажарилмаган ҳолларда (янги вазиятлар пайдо бўлган ҳоллар бундан мустасно) вилоят ҳокимлигига ана шу масалалар бўйича қарорлар ва фармойишлар лойиҳаларини киритилишига йўл қўйилмайди.

4. Вилоят ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш ҳамда вилоят бюджети билан боғлиқ бўлган қарорлар, фармойишларнинг лойиҳалари ёки тақлифлар тегишли равишда вилоят Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси ҳамда вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси билан, таъки иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича – Инвестициялар давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси билан келишиб олинishi керак.

5. Шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят бошқармалари, идоралар, уюшма раҳбарлари томонидан вилоят ҳокимлигига киритиладиган қарорлар, фармойишлар лойиҳаларининг асосланганлиги ва сифати, келтирилган маълумотлар ва бошқа материалларнинг тўғрилиги, уларнинг манфаатдор томонлар билан тегишли равишда келишиб олганликлари учун шахсан жавобгардирлар.

Ушбу иш тартиби талабларига жавоб бермайдиган ҳужжатлар лойиҳалари зарур тартибда расмийлаштириш учун қайтарилади.

6. Тайёрланган ва келишилган қарор, фармойишлар лойиҳалари даставвал котибият ва гуруҳлар томонидан вилоят ҳокимининг тегишли ўринбосари - мажмуа раҳбарига, манфаатдор гуруҳ ва котибиятларга - келишиш учун, Юридик хизмат, Ахборот-таҳлил, Ташкилий-назорат гуруҳларига эса қонда тарикасида - келишиш учун киритилади. Қарор ва фармойишларнинг келишилган лойиҳалари вилоят ҳокими томонидан имзоланиши учун ҳоким ёрдамчисига тақдим этилади.

7. Вилоят ҳокимининг топшириқлари бошқармалар, бирлашмалар, уюшмалар, идоралар, шаҳар, туман ҳокимликлари, давлат ва ҳўжалик бошқарувининг бошқа органлари томонидан ҳужжат юборилган кундан бошлаб, агар бошқа муддат белгиланмаган бўлса, 10 календарь кун давомида бажарилиши керак.

8. Қабул қилинган қарорларнинг, топшириқларнинг ижросини мувофиқлаштириш, мазкур ҳужжатни тайёрлаган бошқармалар, бўлимлар, вилоят ҳокимлиги гуруҳ ва котибиятларига юкланади.

9. Ҳужжатларнинг бошқа турларини тайёрлаш ва вилоят ҳокимлиги раҳбариятига тақдим этиш тартиби, улар бўйича ижрочиларга топшириқлар (қўрсатмалар, резолюциялар)ни етказиш тартиби "Вилоят ҳокимлиги аппаратида иш юритиш бўйича йўриқнома" билан белгиланади.

IV. Вилоят фаоллари йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш

1. Вилоят фаоллари йиғилишлари йилнинг ҳар чорағида, камида бир марта ўтказилади. Вилоят ҳокимлигининг доимий органи сифатида вилоят ҳокимлиги аппарати йиғилишлари мунтазам, аппаратнинг иш режасига биноан ўтказилади. Йиғилишларнинг вилоят ҳокими ёки унинг топшириғига кўра вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари олиб боради.

Зарурат тугилганда, шошилиш масаларни кўриб чиқиш учун вилоят фаолларининг режадан ташқари йиғилишлари ўтказилиши мумкин.

Вилоят ҳокими томонидан ҳар ҳафтада вилоят ҳокими ўринбосарлари, ҳокимлик гуруҳ ва котибият раҳбарлари иштирокида аппарат йиғилишлари ўтказилади. Уларда ҳукумат топшириқларининг ижросини ташкил этиш, вилоят ҳокимининг ҳафталик топширигининг ижросини таъминлаш ва ҳокимлик аппаратининг жорий фаолияти билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади ҳамда келгуси ҳафта учун топшириқлар берилади.

2. Вилоят фаоллари йиғилишида кўриб чиқиш учун вилоят ҳокимлиги ваколатига кирувчи ҳар қандай масалалар киритилиши мумкин.

3. Вилоят фаоллари йиғилишларида кўриб чиқиш учун масалаларни тайёрлашни вилоят ҳокимлиги котибиятлари, гуруҳлари, вилоят ҳокимининг тегишли ўринбосарлари раҳбарлигидаги бўлим ва бошқармалар, шаҳар ва туман ҳокимликлари, мазкур иш тартибига мувофиқ вилоят ҳокимлигига масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган давлат ва ҳўжалик бошқарувининг бошқа органлари билан биргаликда амалга оширадилар. Зарур ҳолларда масалаларни тайёрлашни вилоят ҳокимлиги томонидан тузилган комиссиялар амалга оширадилар.

4. Вилоят ҳокимлиги гуруҳ ва котибиятлари, вилоят бўлим ва бошқармалари таклифлари бўйича тайёрланадиган йиғилиш кун тартиби лойиҳаси йиғилиш бошланишидан камда 10 кун олдин вилоят ҳокими ёки унинг топширигига кўра Ташкилий-назорат гуруҳи билан келишилади. Кун тартиби келишилгандан кейин унга қўшимча масалалар фақат вилоят ҳокимининг розилиги билан киритилиши мумкин.

5. Вилоят фаоллари йиғилишига киритиладиган масалалар бўйича материаллар вилоят ҳокимининг тегишли ўринбосарлари – мажмуа раҳбарлари томонидан кўриб чиқилади ва Ахборот-таҳлил гуруҳи томонидан умумлаштирилади, улар тайёрланган масалаларни сифати учун жавоб берадилар.

Қарор лойиҳаси вилоят ҳокимининг тармок бўйича ўринбосари - мажмуа раҳбари, Юридик хизмат ҳамда бошқа манфаатдор бошқарма, бўлим, вилоят ҳокимлиги гуруҳ ва котибиятлари томонидан имзоланган. Ижро аппарати гуруҳи, Ташкилий-назорат гуруҳи ва Ахборот-таҳлил гуруҳи томонидан маълукланган бўлиши керак.

Лойиҳалар билан бир вақтда қуйидагилар тақдим этилади:

- Йиғилиш олиб бориш тартиби, йиғилишга таклиф этилганлар рўйхати, қарор лойиҳасининг манфаатдор томонлар билан келишилган қисми, муҳокамаларда сузга чикувчилар рўйхати, кун тартибидаги масалалар юзасидан маълумотномалар.

Қарор лойиҳасини тулиқ келишиб олиш имкони бўлмаган фавқулодда ҳолларда, келишилмаган масалалар асосланлар, мулоҳазалар, таклифлар билан биргаликда келишилганлик тўғрисидаги маълумотномада кўрсатилиши керак.

6. Вилоят фаоллари йиғилишида кўриб чиқиш учун киритиладиган материаллар вилоят ҳокимлиги гуруҳ ва котибиятлари, бўлим ва бошқармалар томонидан йиғилишдан камда 7 кун олдин Ташкилий - назорат гуруҳи раҳбарига топширилади.

7. Вилоят фаоллари йиғилишига таклиф этиладиганлар рўйхати вилоят ҳокими ва унинг топширигига биноан ўринбосарлар билан келишилади.

Вилоят бошқарма ва бўлимлари, шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда йиғилишга таклиф этиладиган бошқа шахсларни хабардор қилиш, шунингдек, уларнинг йиғилишдаги иштирокларини таъминлаш вилоят ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи, тегишли котибият ва гуруҳлар томонидан амалга оширилади.

8. Фаоллар йиғилишига вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят ҳокимлиги гуруҳ, котибият, бўлим ва бошқарма раҳбарлари, вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари, молия бош бошқармаси бошлиғи, банк тизимидаги раҳбарлар, Иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи (заруриятга қараб унинг ўринбосарлари ҳам), қасаба уюшмалари вилоят Кенгаши раиси, шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари доимий равишда, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, қорхона ва ташкилот раҳбарлари, бошқарма ва бўлим ҳамда қишлоқ ҳўжалиги қорхоналари раҳбарлари заруриятга кўра таклиф этилади. Бошқа мансабдор шахслар йиғилишга фақат уларга дахлдор масалалар бўйича таклиф этилади.

9. Йиғилиш материаллари вилоят ҳокимиға йиғилишдан камда 3 кун, вилоят ҳокими ўринбосарлари ва таклиф этилган бошқа мансабдор шахсларға тегишли масалалар бўйича материаллар эса 2 кун олдин тарқатилади.

Кун тартиби ва йиғилиш материалларини тарқатиш, йиғилишларда доимий равишда қатнашадиган вилоят идораларининг раҳбарларини хабардор қилиш, таклиф этилганларни рўйхатга олиш ва йиғилишни ўтказишга хизмат кўрсатиш вилоят ҳокимлиги тегишли гуруҳ ва котибиятлари томонидан амалга оширилади. Бу борадаги ишларни Ташкилий- назорат гуруҳи мувофиқлаштиради.

10. Вилоят фаоллари йиғилишида масалалар вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, бошқарма, бўлим, идоралар, ташкилотлар, муассасалар, давлат ва ҳўжалик органлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят ҳокимлиги гуруҳ ва котибиятлари раҳбарлари томонидан баён қилинади.

Вилоят фаоллар йиғилишининг иш тартиби (регламенти), маъруза қилиш, қўшимча маъруза ва нутқлар, ахборот бериш учун ажратилган вақт фаоллар йиғилишини олиб боришда белгилаб олинади.

11. Йиғилишда қарорлар вилоят фаолларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Йиғилиш тамом бўлгандан кейин қабул қилинган қарорнинг аниқ ифодаланган матн йиғилишни тайёрлаган мажмуа раҳбари томонидан визаланади ва фаоллар йиғилиши баёни вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи томонидан тайёрланади. Йиғилиш баёни расмлик қилувчи томонидан имзоланади.

Вилоят фаоллари йиғилишида қабул қилинган ҳужжатлар, қарор, фармойиш ёки йиғилиш баёни (қарор) шаклида бўлади.

Шошилинч тусдаги масалалар бўйича вилоят ҳокимлиги вилоят фаоллари йиғилиши баёнида қайд этиладиган қарорлар қабул қилиши мумкин. Бундай қарорлар ижрочиларға йиғилиш баёнидан кўчирма ҳолида етказилади.

Йиғилиш тамом бўлган қарорлар, фармойишлар, мажлис қарорлари ҳамда тегишли бошқа материаллар тегишли тартибда сақланиши учун Ахборот таҳлил гуруҳиға топширилади.

V. Вилоят ҳокимнинг қарор ва фармойишларини расмийлаштириш, тарқатиш ва қўчға қиритиш

1. Вилоят ҳокими қарорлар ва фармойишлар қабул қилади. Вилоят ҳокимининг меъёрий ёки муҳим аҳамиятға эға бўлган ҳужжатлари қарор шаклида чиқарилади. Шошилинч ва бошқа жорий масалалар бўйича ҳужжатлар вилоят ҳокимининг фармойиши, топшириғи ёки йиғилиш баёни шаклида чиқарилади.

2. Вилоят фаоллари йиғилишида муҳокама этиш давомда билдирилган мулоҳазалар, қўшимчалар ёки ўзгартиришлар қиритилган қарор лойиҳалари вилоят ҳокимлигининг тегишли котибиятлар ва гуруҳлар ёки мажлисда тузилган комиссиялар томонидан пухта ишланиб, бошқа муддат белгиланган бўлмаса йиғилишнинг эртанги куни имзолаш учун тақдим этилади. Лойиҳаларға қиритиладиган ўзгартиришлар вилоят ҳокимнинг тегишли ўринбосарлари, Ахборот-таҳлил гуруҳи ҳамда Юридик хизмат билан келишилади.

3. Вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишлари имзоланган сана бўйича расмийлаштирилади ва ҳокимлик котибият ва гуруҳлари томонидан тузиладиган тарқатиш рўйхати бўйича ижрочиларға девонхона орқали дарҳол етказилади. Вилоят ҳокимнинг меъёрий тусдаги қарорларида уларни қўчға қиритиш муддатлари кўрсатилади, бошқа ҳолларда улар имзоланган кундан бошлаб қўчға қиради.

4. Вилоятда кенг ва тезқорлик билан таништириш зарур бўлганда қарор ва фармойишлар вилоят ҳокимининг топшириғиға биноан вилоят газеталари орқали эълон қилинади.

VI. Вилоят ҳокимлигининг доимий, вақтинчалик комиссиялари ва бошқа ишчи органлари

1. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қарорларини ҳаётға тадбиқ этишға қўмаклашиш, вилоят ҳокимлиги қабул қилган ҳужжатларнинг қандай бажарилаётганлигини назорат қилиш ҳамда бу борада қорхона, ташкилот ва ҳўжалик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида вилоят ҳокимининг қарорлари билан махсус комиссиялар тузилиши мумкин.

Вилоят ҳокимлиги уларнинг вазифалари ҳамда фаолият тартибини белгилайди.

2. Давлат ва ҳўжалик бошқарувиининг алоҳида масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш, вилоят ҳокимлиги ҳўжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш юзасидан, шунингдек, вилоят ҳокимлигининг алоҳида топшириқларини бажариш учун вилоят ҳокимлигининг вақтинчалик комиссиялари ва ишчи органлари тўзилиши мўмкин.

3. Вилоят ҳокимлигининг доимий, вақтинчалик комиссияларининг ҳамда ишчи органларининг ҳўжат ва қарорлари мажлис баёнлари билан расмийлаштирилади ва ишчи органларининг мажлис баёнлари уларга бошчилиқ қилаётган раҳбар томонидан имзоланади.

4. Доимий комиссиялар томонидан қўриб чиқиши лозим бўлган ҳўжатларни тайёрлаш ҳамда комиссиялар қарорларининг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимлиги қотибият ва гуруҳлари томонидан амалга оширилади. Зарурат бўлганда бу ҳўжатларни тайёрлашга бўлим, бошқарма, ташкилот ва қорҳоналарнинг мутахассислари жалб қилиниши мўмкин.

5. Вилоят ҳокимлигининг махсус, вақтинчалик комиссиялари ва бошқа ишчи органларининг мажлислари вилоят ҳокими томонидан тасдиқланадиган йилнинг ҳар қорак режалари асосида ўтказилади. Комиссиялар ва бошқа ишчи органларнинг режадан ташқари мажлислари ҳоким ўринбосарлари, мажмуа раҳбарлари таклифларига қўра вилоят ҳокимининг розилиги билан ўтказилади.

VII. Вилоят ҳокимлигида бошқа масалаларни қўриб чиқиши

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси томонидан Тошкент вилояти ҳокимлигига қўборилган фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларнинг ижросини ташкил этиш бўйича топшириқлар вилоят ҳокими томонидан ҳўжат олинганидан бошлаб 3 кўн мобайнида тайёрланади.

2. Бошқармалар, идоралар, ташкилот ва муассасалар, шаҳар ва туман ҳокимликларидан тушган хатлар ҳоким ёрдамчиси томонидан тегишли гуруҳ ва қотибиятлар иштирокида қўриб чиқилади ва тушган вақтидан бошлаб 24 соат мобайнида бажарилишини таъминлаш юзасидан топшириқ тайёрланади.

3. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, бир неча бошқармалар, идоралар, ҳудудлар манфаатларига тааллуқли, қориджий қомпаниялар (қўшма қорҳоналар ва бошқалар) билан қелишиб олишни талаб қиладиган ҳўжатлари бўйича ижро муддати, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, 10 кўнгача этиб белгиланади.

4. Агар топшириқ бир неча ижроқилга тааллуқли бўлса, у ҳолда уни бажарилишини таъминлаш, бу борада тегишли бошқарма, бўлим, идора, ҳокимликлар, вилоят ҳокимлиги қотибият ва гуруҳларининг фаолиятини мувофиқлаштириш топшириқда биринчи ёзилган (ёки "чакириқ" этиб белгиланган) мансабдор шахс зиммасига қўкланади. Ижроқилар топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши учун тенг жавобгардирлар. Бажариш муддатлари қават топшириқни имзолаган раҳбар томонидан ўзайтирилиши мўмкин.

5. Топшириқда қўйилган масалалар ҳал этилган ёки асосий масала бўйича жавоб берилганда, у бажарилган ҳисобланади.

VIII. Вилоят ҳокимлиги томонидан назорат қилиш вақолатларини амалга оширилиши

1. Вилоят ҳокимлиги ўзининг вақолатига қирувчи масалалар бўйича бошқарма, бўлим, ташкилот ва қорҳоналар, шаҳар ва туман ҳокимликлари, давлат ва ҳўжалик бошқарувиининг бошқа органлари фаолияти устидан доимий назоратни амалга оширади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, қарорлари, фармойишлари, топшириқлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилоят ҳокимининг қарорлари, фармойишлари, Халқ депутатлари вилоят Қенгашининг қарорлари, вилоят фаолларининг йиғилишлари қарорларининг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилиш вилоят ҳокимлиги қотибият ва гуруҳлари томонидан амалга ошириладиган қўйидаги тадбирлар билан таъминланади.

- вилоятнинг тармоқлари ва ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг энг муҳим ва ўстивор масалалари, шунингдек ўзқ даврга мўлжалланган ҳўжатлар бўйича назорат режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- тасдиқланган муддатларда тегишли таркибий бўлинмалар, мансабдор шахслар ва ҳодимлар томонидан амалий қора-тадбирларни амалга ошириш;

- бажарилишини вилоят бошкармалари, муассасалар, шаҳар ва туман ҳокимликларида, бевосита корхона ва ташкилотларда мақсадли ўрганиш;
- бошкармалар, идоралар, муассасалар, шаҳар ва туман ҳокимликларининг юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни бажариш юзасидан мажлисларда кўриб чиқиш;
- вилоятдаги тармоқлар ва ҳудудларда ишларнинг аҳолини комплекс ўрганиш, вилоят ҳокимлигининг кенгайтирилган йиғилишларида уларнинг яқунларини кўриб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, фармойишлари, топшириқларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ҳокимининг қарорлари ва фармойишларида қўйилган вазифалар ўз вақтида тулиқ амалга оширилишини таъминламаган раҳбарлар, мансабдор шахслар ва ходимларга нисбатан шахсий жавобгарлик чораларини кўриш.

Вилоят ҳокимлиги бошқарув аппаратида назорат фаолиятини мувофиқлаштириб бориш Ташкилий-назорат гуруҳи, Ижро аппарати ва Ишлар бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Республика раҳбарияти топшириқлари, Ҳукумат ва вилоят ҳокимининг қарорларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш вилоят ҳокимининг тегишли ўринбосарлари – мажмуа раҳбарлари, гуруҳ ва котибиятлар раҳбарлари томонидан таъминланади.

3. Вилоят ҳокимлиги мунтазам равишда бўлим ва бошқармаларнинг, идоралар, шаҳар ва туман ҳокимликлари раҳбарларининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича топшириқларни қандай бажарилаётганлиги, вилоят бюджети ижроси, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг юқори органлари қарорларининг бажариллиги тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиб боради ва уларнинг сўзсиз руёбга чиқарилишини таъминлаш чораларини кўради.

4. Бажарилган қарорларни назоратдан чиқариш тўғрисидаги қарор вилоят ҳокими томонидан қабул қилинади.

5. Вилоят ҳокимлиги ҳудудий даражада ўтказиладиган мажлислар ва йиғилишлар сонини қисқартириш, ушбу тадбирларнинг сифати ва натижадорлигини ижро интизомини мустаҳкамлаш ва қабул қилинган қарорлар ижросини назорат қилиш ҳисобига ошириш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўради.

IX. Жисмоний ва юридик шахсларнинг хатлари, аризалари, тақлифлари ва шикоятларини кўриб чиқиш ҳамда уларни қабул қилиш

1. Вилоят ҳокимлиги аппаратида жисмоний ва юридик шахсларнинг хатлари, аризалари, тақлифлари ва шикоятлари билан ишлаш ҳамда уларни қабул қилиш тартиби тегишли Низом асосида олиб борилади.

2. Жисмоний ва юридик шахсларнинг хатлари, аризалари, тақлиф ва шикоятлари билан ишлаш ҳамда келувчиларни қабул қилишни ташкил этиш учун масъулият вилоят ҳокимлиги Ишлар бошқармаси, гуруҳ ва котибиятлар раҳбарлари зиммасига юкланади.

X. Иш юритиш

1. Вилоят ҳокимлиги аппаратида иш юритиш вилоят ҳокимия томонидан 2014 йил 24 февралда тасдиқланган 1/6-4-924-сонли Йўриқномага (Вилоят ҳокимлиги иш тартиби) мувофиқ амалга оширилади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ВА УНИНГ УРИНБОСАРЛАРИ УРТАСИДА ХИЗМАТ ВАЗИФАЛАРИНИНГ ТАҚСИМОТИ

I. Вилоят ҳокими

Вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунда кўрсатилган ваколатларини яқка бошчилик асосида амалга оширади.

Вилоят ҳокими вилоятнинг тегишли вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши олдидан ҳисобдордир.

Қуйидагилар вилоят ҳокимининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади;

- жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳафсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза этиш билан боғлиқ барча чора-тадбирларни кўради. Табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолатларда тегишли ишларни ташкил этади;

- вилоятни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, вилоят бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва уларнинг ижросига доир ҳисоботларни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг тасдиғига тақдим этади;

- ўз уринбосарлари ва ижроия ҳокимияти тизими бўлинмаларининг раҳбарларини тегишли тартибда лавозимга тайинлаш ҳамда лавозимдан озод этиш тўғрисидаги қарорларини халқ депутатлари вилоят Кенгаши тасдиғига тақдим этади;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда вилоят ҳокимининг уринбосарларини, туман ва шаҳар ҳокимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади. Ушбу масалага доир қабул қилган қарорларини тегишли Кенгашларнинг тасдиғига киритади;

- шаҳар ва туман ҳокимларнинг қарорларини агар улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қонунларига, Олий Мажлис, Республика Президенти, Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармойишларига зид бўлса, бекор қилади ва халқ депутатлари Кенгашига халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларининг ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритади;

- халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокими қабул қилган қарор ва фармойишларини бажармаган ҳолларда мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тақдимнома киритади;

- давлат мукофотлари билан тақдирланга доир илтимосномаларни кўриб чиқади ва тақлифлар киритади;

- Жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилишни ташкил этади, фуқароларнинг шикоятлари, аризалари ва тақлифларини кўриб чиқади;

- ўзига берилган ваколатлар ва амалдаги қонунлар доирасида вилоятдаги барча қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар қабул қилади;

- заруратга қараб, аммо бир йилда камидан икки марта халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясини чакиради, сессияларга раислик қилади, кун тартибига киритиладиган масалалар юзасидан тақлифлар беради, Кенгаш қарорларига имзо қўяди ва тасдиқлайди;

- иш фаолияти юзасидан бир йилда бир марта халқ депутатлари вилоят Кенгашига ҳисобот беради.

Қўйидаги вилоят ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирати ва бирга иш олиб боради:

- Тошкент вилояти прокуратураси;
- Тошкент вилояти прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти;
- Тошкент вилояти адлия бошқармаси;
- Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси;
- Тошкент вилояти суд департаменти;
- Тошкент вилояти Давлат божхона бошқармаси;
- Тошкент вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси;
- Чегара қўшинлари "Тошкент" тезкор гуруҳи;
- Тошкент вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси;
- Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ҳомийлик кенгашига раислик қилади.
- Вилоят «Маънавият ва маърифат» Кенгашига раислик қилади.

Вилоят ҳокими қўйидаги комиссияларга раислик қилади:

- Наркотик моддаларини назорат қилиш Минтақавий комиссияси
- Одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят ҳудудий идоралараро комиссияси;
- Вояга етмаганлар ишлари билан шугулланувчи комиссияси
- Касб-хунар коллеж ва академик лицейлар директорлик лавозимига танлов ўтказувчи вилоят комиссияси
- Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича мувофиқлаштириш вилоят Кенгаши;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар туғрисида"ги ПФ-3434-сон Фармонини амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлар Дастурини амалга оширилишини мувофиқлаштирувчи доимий комиссияси;
- Вилоят ҳудудида барқарорликни таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш ишларини мувофиқлаштирувчи доимий комиссияси;
- Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Хорижий фуқароларга шу жумладан МДХ қатнашчилари бўлган давлат фуқароларига ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга вилоят ҳудудида яшаш учун рухсатномалар бериш, шунингдек уларни доимий рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш бўйича махсус комиссияси;
- Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича вилоят комиссияси;
- Давлат мулкни инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар эъзига инвесторларга танлов асосида "ноль" харид кийматида сотиш бўйича вилоят ҳудудий танлов комиссияси.

II. Вилоят ҳокимининг саноатни ривожлантириш, молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши қарорлари, Тошкент вилояти ҳокимининг мазкур мажмуа фаолиятига тегишли қарор, фармойиш ва топшириқларининг бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижалли амалга оширилишини таъминлашга ва назорат қилишга шахсан жавоб беради.

Тошкент вилоятининг саноатни ривожлантириш, молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари мажмуаси фаолиятини бошқаради ва Тошкент вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг истикбол муаммоларини ҳал этиш чораларини кўради.

Мажмуа таркибидаги бош бошқарма, бошқарма, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Қонунарида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳужжатларда белгиланадиган саноатни ривожлантириш, молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш соҳасининг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ ҳудудни комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, Республика миқёсида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган мақсадли дастурларни ижросини таъминлаш:

вилоят, шаҳар ва туманларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларини шу жумладан, ялпи ҳудудий маҳсулот, саноат, хизмат кўрсатиш, чакана савдо айланмаси, инфляция, бандлик, маҳаллий бюджетнинг ҳар йилги прогноз параметрларини асосланган ҳолда ишлаб чиқиш ва уни самарали ижросини ташкил қилиш, дебитор-кредитор қарздорликларни юзга келишини олдини олиш юзасидан тизимли ишларни амалга ошириш ва қарздорликни баргараф қилишнинг самарали усулларини жорий этиш;

иқтисодиёт масалалари бўйича тегишли вазирлик, идоралар, қўмиталар, тижорат банкларининг ҳудудий тузилмалари иш фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳолини тadbиркор қилиш мақсадида улар билан тижорат банклари ўртасида мулоқот ўрнатиш учун ҳар бир хонадонга комплекс банк ва молиявий хизматларни таклиф қилиш орқали имтиёзли кредитлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва сўзсиз амалга ошириш;

тармоқ ва ҳудудий бошқарув органлари узвий ҳамкорлигини йўлга қўйиш иқтисодиётнинг барча тармоқларини, шу жумладан, базавий тармоқларини узвий ривожлантириш, бунда туман, шаҳар ва вилоят кесимида ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларини оқилона жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқаришни модернизациялаш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашни амалга ошириш;

иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ҳудуд иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини комплекс ривожлантиришнинг асосий дастурларини, шу жумладан, саноат, маҳаллийлаштириш, қишлоқ ҳўжалигини барча соҳасини, хизматлар соҳасини ривожлантириш каби мақсадли дастурларни қафолатланган молиявий манбааларини аниқлаган ҳолда туман, шаҳар ва вилоятнинг маҳаллий бюджети параметрлари билан узвий тарзда ишлаб чиқиш ва сўзсиз амалга оширишни таъминлаш;

кичик бизнес ва ҳусусий тadbиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва эркинликларининг қафолатларини таъминлаш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, янги корхоналар, шу жумладан, кичик бизнес ва ҳусусий тadbиркорлик соҳасида корхоналарни ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турли қатламлари бандлиги масалаларини ҳал этиш орқали маҳаллий бюджетнинг даромад базасини кенгайтириш, республика ва маҳаллий бюджетга тушумлар ҳажмини ошириш ҳисобига маҳаллий бюджет субвенцияси ҳажмининг босқичма-босқич қисқартириш ва баргараф этиш;

қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, қўп тармоқли фермер ҳўжалиқларини молиявий қўллаб-қувватлаш, бу соҳани индустриялашган тармоққа айлантириш мақсадида қишлоқ ҳўжалигининг барча турдаги маҳсулотларини қайта ишлаш ва

экспорт қилишни кескин кенгайтириш учун махсус дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

дунёдаги парх конъюктурасини урганиб таҳлил қилиб бориш ва янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда уларни янги бозорларда экспорт қилишни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

инсон манфаатларини таъминлаш, айниқса аҳолининг кишлоқ жойларда ҳаёт даражасини ва сифатини ошириш, янада фаровон ҳаёт кечиришни учун пенсия ва нафақалар, реал даромадларини барқарор ошириш манбааларини яратиш, замонавий банк ва молия инфратузилмасини яратиш ҳисобига нақд пул туловларини ўз вақтида амалга оширишни янги механизми ва тизимини жорий қилиш;

хўуднинг саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш, юқори қийматли, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқаришларни кенгайтириш асосида хўуднинг экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган минерал-ҳомашёни ва кишлоқ хўжалиги ҳомашёсини саноат йули билан янада чуқур қайта ишлаш бўйича янги, юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш дастурий чора-тадбирларини амалга оширади;

саноатнинг ишламаётган корхоналари фаолиятини тиклаш чора-тадбирлари амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча саноат корхоналарига, бирлашма ва корхоналарнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланишга, саноат корхоналари ривожланишини таъминлаш ишларига раҳбарлик қилади.

саноат ишлаб чиқариши инфратузилмасини ривожлантиришга оид тақлифларни қўриб чиқади ва назорат қилади;

хўудни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш ва ишлаб чиқариш соҳалари дастурларини ҳамда вилоят бюджети лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назорат қилади;

вилоят бюджети ижросини таъминлаш борасида барча иқтисодий масалалар фаолиятини мувофиқлаштиради;

иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш мақсадида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга, амалга оширилаётган бозор ислохотларини чуқурлаштиришга, инновацион ривожланиш механизмини изчил жорий этишга йўналтирилган аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, бандликни, аҳоли даромадлари ўсишини ва ҳаёти даражаси ошishiни таъминлаш чораларини қўради;

ишлаб чиқариш кучларини мақбул жойлаштириш ва янги иш ўринлари ташкил этиш ҳисобига банд бўлмаган аҳолини, айниқса ёшларни ишга жойлаштиришни таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш чораларини қўради;

қулай илби-лармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, хусусий мулкнинг манфаатларини, тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари ва кафолатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширади;

иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада ислохотларнинг стратегик вазифаларига ва устувор йўналишларига мувофиқ илмий ва технологик салоҳиятни янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг, амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларнинг даражаси, сифати ва самарадорлигини ошириш, уларнинг натижаларидан амалда кенг фойдаланиш чораларини қўради;

истеъмол товарлари, аҳолини истеъмол товарлари ва пулли хизматлар билан таъминлаш бўйича маркетинг тадқиқотлари юзасидан бозорлар, ярмарка ва кўргазмалар фаолиятини мувофиқлаштиради;

чакана ва улуғуржи савдон, пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, савдон ташкил этиш ва хизматлар кўрсатишининг янги шакллари ва усулларини кенг жорий этиш, тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек савдо ва хизматлар кўрсатишнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга оширади;

Тошкент вилояти ҳокимлиги тармоқ мажмуалари ўртасидаги ҳўжалик-шартномавий ва кредит-молиявий муносабатларни мувофиқлаштиради. Вилоятнинг кредит ва валюта

ресурсларини ишлатиш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан уларни сарф этилиши устидан назоратни амалга оширади;

савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш, бозорни халқ истеъмоли моллари билан тўлдириш, хизмат кўрсатишни яхшилаш каби масалалар билан шуғулланади;

вилоят ҳудудида жойлашган деҳқон ва буюм бозорларининг ишини такомиллаштириш, ривожлантириш юзасидан ташкилий-услубий тадбирларни амалга оширади. Мажмуа тасарруфидаги раҳбар лавозимларга амалдаги ва истикболли кадрлар захирасини шакллантириш юзасидан таклифлар киритади;

мажмуа таркибига кирувчи ташкилотларнинг кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш, тайинлаш ва вазифасидан озод этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни бажаришда республика ҳамда марказий тузилмалар раҳбарияти билан ҳамкорлик қилади;

мажмуага қарашли раҳбар лавозимларга амалдаги ва истикболли кадрлар захирасини шакллантириш юзасидан таклифлар киритади. Захирага киритилган номзодларни тайёрлаб бориш ишларини ташкил этади;

вилоят ҳокими қарори ва фармойишлари лойиҳаларини келишиш учун имзолайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний

ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ қўриб чиқади. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади;

ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумат органларида вилоят ҳокимлиги номидан вакиллик қилади.

Қуйдагилар фаолиятини мувофиқлаштиради ва биргаликда ишларни ташкил этади:

- Вилоят ҳокимлиги саноатни ривожлантириш, иқтисодийёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича котибияти;

- Вилоят ҳокимлиги тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, экспортга қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш гуруҳи;

- Вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси;

- Вилоят Давлат солиқ бошқармаси;

- Вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вилоят бош бошқармаси;

- Вилоят бандлик бош бошқармаси;

- “Тошвилоятбозорсавдо” уюшмаси;

- Мулкчилик шаклидаги қатъий назар барча банклар, суғурта корхоналарининг вилоят бўлимлари ва филиаллари;

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси;

- Вилоят истеъмолчиларни ҳуқуқини ҳимоя қилиш федерацияси ижро анарати;

Қуйдагилар билан ҳамкорликни уюштиради:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг вилоят қазначилик бошқармаси;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг вилоят молиявий назорати бошқармаси;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг вилоят бошқармаси;

- Вилоят статистика бошқармаси;

- Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси;

Қуйдагиларнинг иш фаолиятини ташкил этади:

- Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни қисқартириш ва бюджет тўловлари интизомини мустаҳкамлаш бўйича комиссияси;

- Молия хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича махсус комиссияси;

- Маҳаллий хом-ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш комплекс дастурини амалга ошириш масалалари бўйича вилоят махсус комиссияси;

III. Вилоят ҳокимининг кишлок ва сув хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосари

биринчи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши қарорлари, Тошкент вилояти ҳокимининг маъмур мажмуа фаолиятига тегишли қарор, фармойиш ва топшириқларининг бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижалли амалга оширилишини таъминлашга ва назорат қилишга шахсан жавоб беради.

Вилоятнинг кишлок ва сув хўжалиги масалалари фаолиятини бошқаради.

Мажмуа таркибидаги бош бошқарма, бошқарма, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлайди.

Кишлоқ хўжалигида иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришнинг таркибий ўзгартиришнинг таъминлайди;

деҳқончилик ва агротехнологияларнинг илғор усулларини жорий этиш чора-тадбирларини кўриш, кишлок хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига бозор тамойиллари ва механизмлари асосида хизмат кўрсатувчи тармоқлар, бўғинлар ва тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш, сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ишларининг ва суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тадбирларининг бажарилишини мувофиқлаштиради;

кишлоқ хўжалигини, сув хўжалигини ва ўрмон хўжалигини ривожлантириш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ишларини ташкил этиш, ушбу соҳаларга ташки ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирларини кўради;

чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, наслчилик ишларини ривожлантириш, ҳайвонларни сунъий уруғлантириш хизматларини кенгайтириш, зооветеринария хизмати кўрсатиш тармогини ривожлантириш ишларини ташкил этади;

илакчиликнинг озуқа базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, юқори маҳсулдор тут илак қуртини етиштириш, тирик пилла етиштиришнинг кўпайтиради;

табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларнинг сақланиши таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини оширади;

кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, дастлабки қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш ва маҳсулотларни экспорт қилиш, шунингдек кишлокда ишлаб чиқариш ва бозор инфрақурилмаси объектларини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширади;

мулкчилик шаклидан қатъий назар барча кишлок ва сув хўжалиги корхоналарига, бирлашма ва корхоналарнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланишига, кишлок ва сув хўжалиги корхоналари ривожланишини таъминлаш ишларига раҳбарлик қилади.

кишлоқ ва сув хўжалиги инфрақурилмасини ривожлантиришга оид тақлифларни кўриб чиқади ва назорат қилади;

агросаноат комплекси соҳасига оид бошқарма ва ташкилотлар фаолиятига умумий раҳбарлик қилади;

кишлоқ хўжалиги ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш, маҳсулот етиштириш самарадорлигини ошириш, бу борада гулланган илғор тажрибаларни ўрганиш, хорижий мамлакатлар билан алоқалар ўрнатиш;

агросаноат комплекс тизимидаги бошқарма ва ташкилотларнинг тартиб ва меҳнат интизомига риоя қилишини таъминлаш;

мажмуа таркибига кирувчи ташкилотларнинг кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш, тайинлаш ва вазифасидан озод этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни бажаришда республика ҳамда марказий тузилмалар раҳбарияти билан ҳамкорлик қилиш;

мажмуага қарашли раҳбар лавозимларга амалдаги ва истикболли кадрлар захирасини шакллантириш юзасидан тақлифлар киритади. Захирага киритилган номзодларни тайёрлаб бориш ишларини ташкил этади;

хокимнинг қабул қиладиган қарор, фармойиш ва ҳужжатларини лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва сифатли тайёрлашда Тошкент вилояти иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси ва ахборот-таҳлил гуруҳи билан ҳамкорлик олиб боради;

Вилоят ҳокими қарори ва фармойишлари лойиҳаларини келишиш учун имзолайди.

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ қуриб чиқади. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қиладди.

Ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумат органларида вилоят ҳокимлиги номидан вакиллик қиладди.

Қуйидагилар фаолиятини мувофиқлаштиради ва биргаликда ишларни ташкил этади:

Вилоят ҳокимлиги қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича қотибияти;

- Қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси;

- "Чирчик-Охангарон" ИТХБ ва унга қарашли тизим ташкилотлари;

- "Вилоят "Агроинспекция" бошқармаси бошлиғи

- "Ғалла-Алтек" акциядорлик жамияти

- "Охангарондон" акциядорлик жамияти

- "Тошкентдонмахсулотлари" акциядорлик жамияти;

- "Тошкент Агросервис МТП" масъулияти чекланган жамияти;

- "Агролизинг" акциядорлик жамияти вилоят филиали;

- Вилоят "Агрокимёхимоя" ҳудудий акциядорлик жамияти;

- Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари вилоят Кенгаши;

- "Тошкент Агро-Пилла" масъулияти чекланган жамияти;

- "Пиллачилик ва қорақўлчилик"ни ривожлантириш бошқармаси

- Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси;

- Ҳудудий "Чорванася" маркази

- Қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази;

- Тошкент ноли, дон ва дуккакли экинлар илмий тажриба станцияси;

- Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси;

- "Угам-Чотқол" Давлат табиат миллий боғи, вилоятдаги барча ўрмон ҳўжаликлари;

- Чигиртка ва тут парвонасига қарши қурашиш хизмати Тошкент вилояти бўлими;

- Ўзкейссервис ҚҚ вилоят сервис маркази;

- Ўзклассервис МЧЖ вилоят сервис маркази;

- Ўзбекистон Республикаси Инвацион ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги уруғчиликни ривожлантириш маркази ДУК;

- "Ўзгидромет" маркази вилоят бўйича бошқармаси;

- "Тошкент сув қурилиш инвест" ДУК;

- "Агрокимё" станцияси;

- "Тошкент баллиқсаноат" масъулияти чекланган жамияти.

Қуйидагилар билан ҳамкорликни уюштиради:

- "Ўздонмахсулот" акциядорлик жамияти;

- "Ўзнефтмахсулот" акциядорлик жамияти;

- "Ўзагрокимёхимоя" акциядорлик жамияти;

- "Ўзагросервис" акциядорлик жамияти;

- "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти;

- «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси;

- мажмуа фаолияти билан боғлиқ бошқа вазирлик ва идоралар;

Қуйидагиларнинг иш фаолиятини ташкил этади:

- Қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий-ислохотларни чуқурлаштириш вилоят комиссияси;

- Вилоятда ер участкаларини кишлок хужалиги мақсадлари учун (реализация қилиш) танлаш ва ажратиш бўйича доимий ишловчи комиссияси.

IV. Вилоят ҳокимиянинг шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, ободонлаштириш ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенаги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши қарорлари, Тошкент вилояти ҳокимининг мазкур мажмуа фаолиятига тегишли қарор, фармойиш ва топшириқларининг бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижалли амалга оширилишини таъминлашга ва назорат қилишга шахсан жавоб беради.

Тошкент вилоятининг шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, ободонлаштириш ва коммунал хўжалик масалалари бўйича мажмуа қотибятининг фаолиятини бошқаради ҳамда қотибят таркибидаги бош бошқарма, бошқарма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари билан қуйидаги асосий йўналишларда асосий вазифаларни амалга оширади. Хусусан,

1. Аҳолининг эҳтиёж ва талабларини ўрганиш асосида шаҳарлар инфратузилмаси, ободонлаштириш ва коммунал хўжалик масалаларини ривожлантириш бўйича қисқа ва узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширилишини таъминлаш соҳасида:

шаҳарларда истиқомат қилаётган аҳолини жойлашган жойи, аҳолининг эҳтиёжлари ва талабларини ўрганиш асосида "Намунавий маҳалла"ларни реконструкция қилиш ва замонавий янги даҳаларни барпо этиш бош режаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- шаҳар ва туманлардаги ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш ҳамда замонавий кўринишдаги янгиларини қуриш бўйича ишлаб чиқиладиган Инвестиция дастурларини шакллантиришда таклифлар киритиш ва ишгирок этиш;

шаҳарларни иқтисодий салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорликни ривожлантириш, янги ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатишларни жорий этиш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурларни шакллантиришда иштирок этиш, шаҳарларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг истикбол муаммоларини ҳал этиш чораларини кўриш.

2. Шаҳарларда транспорт хизматини яхшилаш, олиб бориладиган қурилишлар, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, замонавий тежамкор технологиялар билан жиҳозлаш тадбирларини амалга ошириш соҳасида:

- шаҳарларда транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, йўловчи ташиш транспорти фаолиятини бошқаришни мувофиқлаштириш, транспорт соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва транспортдан фойдаланиш соҳасида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган мақсадли дастурларни ижросини мувофиқлантириш;

- шаҳарларнинг муҳандислик ва йўл-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- шаҳарларда, шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, шаҳарларнинг маъмурий қурилишларининг меъморий кўриниши ва қайта қурилиш бош режасини, қурилишларда бунёдкорлик дастурларини, унинг муҳандислик инфраструктураларини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш, шунингдек, ер ва шаҳарсозлик давлат кадастрларини шакллантириш ва юритиш бўйича ташкилий-ҳукукий чора-тадбирларни белгилаш;

- шаҳарларда олиб бориладиган қурилишлар фаолиятини тўғри ташкил этиш ва пудрат ишлари дастурларини амалга оширишда пудрат ва лойиҳа ишларини бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

3. Шаҳарлар ва туманлардаги коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари, бошқарув сервис компаниялари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда назорат қилиш соҳасида.

- кўп қаватли уй-жойларга кўрсатилаётган коммунал хизматлар даражаси ва сифатини ошириш, бошқарув сервис компанияларини ташкил этиш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- уй-жой фонди, коммунал ва ёқилғи-энергетика хўжалигини ривожлантириш, улардан фойдаланиш тармоқлараро ва идоралараро бошқаруви масалалари билан шугулланиш ва энергетика мажмуасини мувофиқлаштириш;

- шаҳар ва туманлардаги истеъмолчиларни узлуксиз электр ва иссиқлик энергиялари, табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш, шунингдек, тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва санитария жиҳатида тозалаш тизимини яхшилаш, канализация тармоқларидан фойдаланишнинг яхшиланган ягона тизимининг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва унинг бажарилиши назоратини олиб бориш;

- шаҳар ва туманлардаги аҳоли пунктларини ободонлаштириш, агроф муҳитни кўркемлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш билан шугулланади;

- кўрсатилаётган уй-жой коммунал хизматлар даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

Котибият тизимидаги раҳбар лавозимларга амалдаги ва истикболли кадрлар захирасини шакллантириш юзасидан таклифлар киритади, котибият тизимидаги ташкилот ва идораларнинг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва озод этиш бўйича вилоят ҳокими, юқори ташкилотлар раҳбарияти билан ҳамкорлик қилиш.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ва Тошкент вилояти ҳокимиятининг котибият фаолиятига оид қарори ва фармойишлари лойиҳаларини келиштириш учун имзолайди.

Ҳокимнинг қабул қиладиган қарор, фармойиш ва ҳужжатларини лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва сифатли тайёрлашда ахборот-таҳлил гуруҳи билан ҳамкорликни олиб боради.

Тасарруфдаги котибият ва тегишли ташкилот ҳамда муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги

12-сонли "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 1999 йил 29 мартдаги 140-сонли "Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ва бошқарув органларида иш юритиш ва назоратни ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорларининг талаблари асосида иш ташкил этилиши ва ижро интизомини мустаҳкамлаш.

Ўз йўналишига тааллуқли муаммолар масалаларни ҳал этиш ҳамда соҳаларини ривожлантиришнинг истикболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳокимга тақдим этиб бориш.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қиладди.

Ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумат органларида вилоят ҳокимлиги номидан вакиллик қиладди

Қуйидагилар фаолиятини мувофиқлаштиради ва биргаликда ишларни ташкил этади:

- Шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, ободонлаштириш ва коммунал хўжалик масалалари бўйича котибияти:

- Вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси;

- "Тошкент ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамияти;

- "Ҳудудгаз Тошкент" газ таъминоти филиали;

- "Тошкент сув таъминот" масулияти чекланган жамият;

- Вилоят "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармаси;

- "Тошкент кўмир таъминот" масулияти чекланган жамият;

- Кўп қаватли уй-жой фонди соҳасини назорат қилиш инспекцияси;

- Вилоят ичимлик сувдан фойдаланишнинг назорат қилиш инспекцияси;

- "Тоза ҳудуд" давлат унитар корхонаси;

- Тошкент вилояти Ободонлаштириш бош бошқармаси;

- "Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши

бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Тошкент ҳудудий бошқармаси;

- “Қўп хонадонли уйлари ва иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Тошкент вилояти филиали.

Шунингдек, шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, ободонлаштириш ва коммунал хўжалик масалалари бўйича қотибиятига оид масалаларда:

- “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси;
- Вилоят қурилиш бош бошқармаси;
- Вилоят давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси;
- Вилоят давлат экспертиза бошқармаси;
- Вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси;
- Вилоят бўйича давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси;
- Вилоят транспорт бошқармаси;
- Вилоят экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси;
- Вилоят махсус эксплуатация-монтаж бўлини;
- “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг “Тошкенттелеком” филиали;
- “Ўзнефтегаз инспекция” давлат инспекциясининг Тошкент ҳудудий бошқарма;
- “Энергоназорат” вилоят бўлими;

Қуйдагилар билан ҳамкорликни уюштирадн:

- Вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш ва коммуникациялар масалаларни мажмуаси;
- “Ўзсувтаъминот” Акциядорлик Жамияти;
- Вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси;
- Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси;
- “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти;
- Қурилиш ва лойиҳалаш ташкилотлари.

Қуйдагиларнинг иш фаолиятини ташкил этади:

- Уй-жой коммунал хўжалигида ислохотларни олиб бориш Дастурининг бажарилиши ва тарифларни ўсиши ёки камайиши бўйича мониторинг ўтказувчи вилоят комиссияси;
- Шаҳарсозлик қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш бўйича ишчи гуруҳи;
- Идоралараро қоидаланган объектларни қуриқланишини назорат қилиш комиссияси..

V. Вилоят ҳокимининг ўринбосари – Инвестициялар ва ташқи-савдо бошқармаси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши қарорлари, Тошкент вилояти ҳокимининг мазкур мажмуа фаолиятига тегишли қарор, фармойиш ва топшириқларининг бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирларининг самарали, сифатли ва натижалли амалга оширилишини таъминлашга ва назорат қилишга шахсан жавоб беради.

Тошкент вилоятининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш масалалари фаолиятини бошқаради.

Мажмуа таркибидаги бош бошқарма, бошқарма, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Қонунларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган ҳужжатларда белгиланадиган иқтисодий, ижтимоий ва тадбиркорлик соҳасининг, ягона давлат инвестиция сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишнинг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ вилоятда инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, Республика миқёсида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган мақсадли дастурларни ижросини таъминлаш;

инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича тегишли вазирлик, идоралар, қўмиталар, тижорат банкларининг ҳудудий тузилмалари иш фаолиятини мувофиқлаштириш;

вилоятга чет эл инвестицияларини жалб қилиш, ҳудуддаги инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар ривожланишини қўллаб-қувватлаш ишларини мувофиқлаштириш;

чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва вилоятда инвестиция фаолиятини кенгайтириш учун янада қўлай шароитларни яратиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

тармок ва ҳудудий бошқарув органлари ўзвий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини, шу жумладан, базавий тармоқларини ўзвий ривожланиши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялашни амалга ошириш, инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни молиявий маблағ ҳамда замонавий технологиялар шаклида жалб қилиш, корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини кенгайтириш;

ҳудудий инвестиция дастурлари амалга оширилишини, республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг ўртача ва узоқ муддатли дастурларига киритилган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қўмаклашиш;

хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва корхоналарнинг устав капиталларидаги давлат улуши ва активларини хусусий инвесторларга, шу жумладан, хорижий инвесторларга сотиш ҳисобида вилоят иқтисодиётида хусусий мулкнинг даражаси ва ролини ошириш;

хусусийлаштирилиб бўш турган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларини хатловдан ўтказишда иштирок этиш ва заруратга қараб хатлов ўтказиш ташаббуси билан чиқиш;

хусусийлаштирилиб бўш турган, самарасиз фойдаланилаётган объектлар ва ишлаб чиқариш майдонлари негизда тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги жараёнларни таҳлил қилиш ва уларни ривожлантириш бўйича ҳокимга таклифлар киритиш;

ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, ҳудудий саноат маҳсулотларини экспорт қилиш дастурларини ишлаб чиқиш, дунёдаги нарх конъюктурасини ўрганиб таҳлил қилиб бориш ва

янги турдаги маҳсулотларни узлаштириш ҳамда уларни янги бозорларда экспорт қилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қўмаклашиш;

вилоятнинг йиллик Инвестиция дастурларини, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги лойиҳалар бўйича шакллантиришда қатнашиш, қилишиш ва мониторингини амалга ошириш, чет эл инвестициялари, кредитлар ва молиявий-техник қўмаклашниш воситаларини жалб қилиш учун инвестициявий тақдирлар ягона базасини юритиш;

вилоятнинг чет давлатлар, халқаро иқтисодий ва молиявий институтлар, хорижий банклар, фондлар, агентликлар, компаниялар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан ўзаро манфаатли асосда инвестициявий ҳамкорлиги йўналишларини ривожлантириш ва диверсификация қилиш бўйича тақдирлар ишлаб чиқиш;

инвестиция лойиҳалари бажарилишининг бориши устидан тизимли мониторинг олиб бориш, чет эл капитали иштирокидаги корхоналар фаолиятининг, шунингдек инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилишининг таҳлилини ўтказиш, чет эл инвестициялари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширишга тўққинлик қилувчи омилларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш юзасидан тезкор чоралар қабул қилиш асосида вилоят иқтисодиётига жалб этилаётган чет эл инвестицияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

иқтисодиётда ва иқтимоий соҳада илмий ва технологик салоҳиятни, инновацион технологияларни янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларнинг, амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларнинг даражаси, сифати ва самарадорлигини ошириш, уларнинг натижаларидан амалда кенг фойдаланишни ташкил этиш;

иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфи ҳажминини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

Туман ва шаҳарларнинг иқтисослашувидан келиб чиққан ҳолда хорижий илгор тажрибаларни жалб қилишини мувофиқлаштиради, хориж давлатларида тадбиркорлик субъектлари иштирокида вилоятнинг инвестицион салоҳияти билан таништиради, бизнес-форумлар ўтказиш;

Инвестицион лойиҳаларнинг манзилли дастурини шакллантириш, инвестиция дастурини ишлаб чиқиш ҳамда бажарилишини ташкил этади ҳамда ижроси бўйича мунтазам мониторинг олиб боради;

Инвестицион лойиҳаларнинг техник иқтисодий асослари (ТЭО), "йўл харита"лари ишлаб чиқилишини ташкил этади, тижорат банклари томонидан тармок жадвали асосида кредитларни расмийлаштирилиши устидан мониторинг ўрнатади;

Вилоятдаги барча олий ўқув юртларида, илмий тадқиқот институтларида, фанлар академияларида инновацион ғоялар ва технологиялар ишлаб чиқилишини мувофиқлаштиради ҳамда ишлаб чиқаришга жалб этилишини, техно парклар яратилишини ташкил этади;

Инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича тегишли бошқарма, тижорат банкларининг ҳудудий тузилмалари иш фаолиятини мувофиқлаштириш;

ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, ҳудудий саноат маҳсулотларини экспорт қилиш дастурларини ишлаб чиқиш, дунёдаги нарх конъюктурасини ўрганиб таҳлил қилиб бориш ва янги турдаги маҳсулотларни узлаштириш ҳамда уларни янги бозорларда экспорт қилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг, бошқа ташкилотларнинг, биринчи навбатда, экспорт тузилмасида юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар улушини янада қўпайтириш ҳисобига экспорт салоҳиятини ошириш бўйича минтақавий дастурларни амалга оширишга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш, уларнинг муаммоларини бартараф этиш чораларини қўради. Шу билан биргаликда давлат объектларини хусусийлаштиришда юклатилган мажбуриятнинг бажарилишини таҳлил қилади;

Вилоятнинг қўп йиллик концепциясини ишлаб чиқилишини ташкил этади ҳамда бажарилиши юзасидан мунтазам мониторинг ўрнатади;

Комплекс тизимидаги масъуллар томонидан амалга оширилган ишлар, кейинги кунда амалга ошириладиган вазифаларни муҳокама қилади ҳамда котибият ходимлари, тегишли бошқарма ва корхоналар раҳбарларига вазифалар бериб боради;

Комплекс тизимидаги бошқарма ва ташкилотларнинг тарғиб ва меҳнат интизомига риоя қилиниши назорат қилади;

Котибият мудир, бош ва етакчи мутахассис лавозимига номзодларни тавсия этади;

Бошқарма ва ташкилот раҳбарларини танлаш ва уларнинг тайинланиши бўйича таклиф киритади.

Туризмни ривожлантириш, туризм инфратузилмаларини шакллантириш, янги туристик маршрутлар ташкил этиш ва Республика миқёсида ҳамда чет давлатларда ҳудуднинг туристик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш;

Тадбиркорликни ривожлантиришдаги энг муҳим муаммолар бўйича семинарлар ва давра суҳбатларини мунтазам ўтказиш, шунингдек тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги тўғрисидаги материалларни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан тадбиркорлик субъектлари орасида ахборот ва тушунтириш ишларини ташкил этишга қўмаклашиш;

Тасарруфдаги котибият ва тегишли ташкилот ҳамда муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 1999 йил 29 мартдаги 140-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ва бошқарув органларида иш юритиш ва назоратни ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларининг талаблари асосида иш ташкил этиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш;

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ қўриб чиқиш;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

Қуйидагиларнинг иш фаолиятини ташкил этади:

Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш, рақобатни ривожлантириш, инновацион тоғлар, интеллектуал мулк, инвестицияни жалб этиш, туризмни ривожлантириш, эркин иқтисодий билан боғлиқ тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича комиссия, кенгаш ва гуруҳлар;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳудудий комиссиялар ва кенгашлар.

Қуйидаги ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг вилоят ҳокимлиги билан ўзаро фаолиятини мувофиқлаштириб боради:

- Вилоят иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси (тегишлилиги бўйича);

- Вилоят ҳокимлиги молия бошқармаси (тегишлилиги бўйича);

- Вилоят Ҳазначилик бошқармаси (тегишлилиги бўйича);

- Вилоят давлат солиқ бошқармаси (инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда солиқ имтиёзларини қўллаш)

- Вилоят маданият бошқармаси (маданий мерос объектлари негизида туризмни ривожлантириш)

- Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси;

- Инвестиция Давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси;

- Эркин иқтисодий зона дирекцияси;

- Марказий банк вилоят бош бошқармаси ва барча тижорат банклари ҳудудий бўлимлари (тегишлилиги бўйича);

- Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси (тегишлилиги бўйича);

- Вилоятдаги олий ўқув юртлари;

- Илмий тадқиқот институтлари;

- Ташқи савдо вазирлигининг вилоят ҳудудий вакиллиги;

- Соҳага алоқадор бошқа ташкилотлар.

VI. Вилоят ҳокимининг капитал қурилиш ва коммуникациялар масалалари **бўйича ўринбосари**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши қарорлари, Тошкент вилояти ҳокимининг мазкур мажмуа фаолиятига тегишли қарор, фармойиш ва топшириқларининг бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижалли амалга оширилишини таъминлашга ва назорат қилишга шахсан жавоб беради.

Тошкент вилоятининг капитал қурилиш ва коммуникациялар масалалари фаолиятини бошқаради.

Мажмуа таркибидаги бош бошқарма, бошқарма, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлайди.

капитал қурилишни ташкил этиш ва пудрат ишлари дастурларини амалга оширади;

пудрат ташкилотларини мутаносиб ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

қурилиш индустриясини ва қурилиш материаллари саноатини ривжлантириш чораларини кўради;

муҳандислик ва йул-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширади;

транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича чоралар кўради;

капитал қурилишда иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш, қурилиш субъектлари ўртасида бозор муносабатларини жорий этиш, пудрат, лойиҳа ишлари ва қурилиш материаллари бозорини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

Тошкент вилоятида стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини ташкил этиш, халқаро стандартларни қўллаш, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлилигини ошириш чораларини кўради;

Вилоятнинг меъморий кўриниш ва қурилиш соҳасидаги ягона сиёсатини амалга оширилишини таъминлайди.

Тошкент вилоятининг маъмурий қурилиши ва қайта қурилиши бош режасини, Тошкент вилояти ривожининг дастури, унинг муҳандислик инфраструктураларини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилади.

Қурилиш маҳсулотлари ва қурилиш сифатини назорат қилувчи давлат ва идоравий органларнинг ишини мувофиқлаштиради.

Тошкент вилояти қурилиши ва меъморчиликнинг сифат даражасига бўлган замонавий талабларга амал қилиниши, капитал тушумларнинг самарасини кутариш билан бирга инвестиция жараёни муддатларини қисқартириш назоратини таъминлайди.

Капитал қурилиш ва бинокорлик материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишни назорат қилиб боради.

Капитал қурилишни моддий-техника таъминоти ва уларни маблағ билан таъминлаш масалаларини ҳал қилади.

Давлат органларида, иктисодий тармоқлари ва соҳаларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек почта ва телекоммуникацияларни ривожлантириш, ахборот фаолияти, архив иши, интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқларни ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш чораларини кўради;

Капитал қурилиш иншоотларини молиявий таъминоти учун ажратиладиган пул маблағлари харажатиини назорат қилиш ишларини мувофиқлаштиради.

Қабул хайъатларининг иши, таркиби масалаларини кўриб чиқиб, алоҳида иншоотлар бўйича хайъат ишида қатнашади.

Қурилиш комплексида пудрат, лойиҳа ишларига бўлган давлат буюртмасини тендер асосида жойлаштиришни, шунингдек унинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлайди.

мажмуа таркибига кирувчи ташкилотларнинг кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш, тайинлаш ва вазифасидан озод этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни бажаришда республика ҳамда марказий тузилмалар раҳбарияти билан ҳамкорлик қилиш;

Тошкент вилояти ҳокими қарори ва фармойишлари лойиҳаларини келишиш учун имзолайди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ қўриб чиқади. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади.

Ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумат органларида вилоят ҳокимлиги номидан вакиллик қилади.

Қуйидагилар фаолиятини мувофиқлаштириш ва биргаликда ишларни ташкил этади:

- Вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш ва коммуникациялар масалалари бўйича котибияти;

- Вилоят қурилиш бош бошкармаси;

- Вилоят ер тузиш ва қўчмас мулк кадастри давлат корхонаси;

- "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси;

- Вилоят давлат архитектура-қурилиш пазорати инспекцияси;

- Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш вилоят ҳудудий консалтинг маркази;

- Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги вилоят бошкармаси;

- "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси "Тошкенттелеком" минтақавий филиали;

- "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси вилоят филиали;

- "Ўзнефтьгаз инспекция" давлат инспекциясининг вилоят бўлими;

- "Саноатконтехназорат" вилоят бўлими;

- "Энергоназорат" вилоят бўлими;

- "Ўзнефтьмахсулот" акциядорлик жамияти "Пахта" нефтьмахсулотлари базаси унитар корхонаси;

- "Ўзнефтьмахсулот" акциядорлик компанияси "Қучлук" нефтьмахсулотлари базаси унитар корхонаси;

- Вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошкармаси;

- Вилоят давлат экспертиза бошкармаси;

- Вилоят "Автомобилоҳаваскорлар" жамияти;

- "Тошвилттранс" ҳудудий уюшмаси;

- "Тошкент иккиламчи қора металл" МЧЖ ташкилоти;

- Тошкент минтақавий темир йўл узели;

- Вилоят махсус эксплуатация-монтаж бўлини;

- Ўзбекистон транспорт агентлиги вилоят бошкармаси;

- "Автомагистраль" ихтисослаштирилган автомобил йўлларини қуриш таъмирлаш бирлашмаси унитар корхонаси;

- Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошкармаси;

- Вилоят "Компьютерлаштириш маркази" ДУК;

Қуйидагилар билан ҳамкорликни уюштиради:

- Вилоят иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошкармаси;

- Вилоят фавқулодда вазиятлар бошкармаси;

- Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Автомобил йўллари давлат қўмитаси;

- Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги;

- "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий компанияси;

- "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти;

- Қурилиш ва лойиҳалаш ташкилотлари.

Қуйидагиларнинг иш фаолиятини ташкил этади:

- Вилоятда капитал қурилиш, қайта таъмирлашда пудрат ташкилотларини аниқлаш учун танлов (тендер) савдоларини ўтказувчи доимий асосда ишловчи комиссия;

- Вилоят ҳудудида шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси;

- Вилоят жисмоний ва юридик шахсларга ер қонунчилиги, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида ер участкаларини бериш амалиётини ўрганиш бўйича доимий ишловчи комиссияси;

- Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ёнгин хавфсизлиги бўйича комиссияси;

- Вилоят ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссияси;

- Тошқин сувлари ва сел оқимларини хавф-хатарсиз ўтказиб юборишни таъминлаш, қор қучиш ва ер қучки ҳодисалари хавфини камайтириш бўйича вилоят комиссияси комиссияси.

VII. Вилоят ҳокимининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари

бўйича ўринбосари

Тошкент вилояти ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари (кейинги ўринларда - ўринбосар) ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги ва бошқа қонунарига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ва вилоят ҳокимининг ҳужжатларига амал қилади.

2. Қуйидагилар ўринбосарнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- ҳудудда туризм соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, соҳага доир қабул қилинган концепция ва дастурларнинг ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни белгилаш;

- тегишли ҳудудларда туризм соҳасидаги асосий вазифалар ва туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш:

- туризм соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларига тааллуқли масалалар бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш;

- туристлар (экскурсантлар)га тегишли ҳудудлардаги туристик ресурслардан самарали фойдаланиш, шунингдек тиббий, ҳуқуқий ва бошқа турдаги фавқулодда ёрдам олиш учун қулай шарт-шароитлар яратишни таъминлаш;

- туризм соҳасида турли тадбирлар (фестиваллар, сайллар, театрлаштирилган томошалар, кўргазмалар, анжуманлар)ни ташкил этиш ва ўтказиш;

- чет эл мамлакатлари билан туризм соҳасида, айниқса, туристлар оқимини кўпайтириш ҳамда уларни жалб қилиш бўйича ҳамкорлик ва қелишувларни ваколатли органлар билан биргаликда амалга ошириш;

- соҳани чуқур таҳлил қилиш асосида туристик хизматларга бўлган талабни ўрганиш, бу борадаги мавжуд муаммолар ва тўсиқларни аниқлаш, соҳани ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг мақсадга мувофиқ механизмларини ишлаб чиқиш ва келгуси режаларни белгилаш;

- туризм соҳасининг иқтисодий, экологик, ижтимоий, маданий ва бошқа йўналишлардаги инфратузилмасини такомиллаштириш ва туризм йўналишидаги диққатга сазовор жойлар, уларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш ҳамда амалга ошириш;

- қўшимча сайёҳлик ташриф объектлари, кўнгилочар комплекслар барпо этиш бўйича чоралар кўриш, маданий мерос объектларида халқимизнинг тарихи, турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналарини ўзида акс эттирган экспозицияларни ташкил этиш;

- туризмни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштириш;

- тегишли ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда туризм соҳасидаги лойиҳаларга инвестицияларни жалб қилиш;

- туризмни ривожлантириш бўйича масъул вазирлик, идора ва кумиталарнинг ҳудудий бошқармаларининг иш фаолиятини мувофиқлаштириш;

- туризм соҳасига замонавий ахборот-коммуникация воситаларини жалб этиш, хорижий туроператорлар ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш орқали республиканинг мавжуд сайёҳлик салоҳиятини кенг ёритиш чораларини кўриш;

- туризм соҳасида тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, туризм хизматларини экспорт қилиш дастурларини ишлаб чиқиш, чет мамлакатлардаги туризм марказларида нарх конъюктурасини ўрганиб таҳлил қилиб бориш ва янги турдаги хизмат ва маҳсулотларни ўзлаштириш ҳамда уларни экспорт қилинишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

муаммолари масалаларни ҳал этиш ҳамда вилоят, шунингдек туризм ва спортни ривожлантириш мақсадида иқтисодий тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришнинг истикболли вазифаларини амалга ошириш юзасидан таклифлар ва аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда ҳокимга ва унинг ўринбосарларига тақдим этади;

туризм ва спорт соҳасининг муҳим устувор вазифалари, давлат дастурлари амалга оширилиши, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари бажарилиши бўйича тегишли тизимланган маълумотлар базасини шакллантиради ва юритади;

халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиялари, ҳудудларнинг фаоллари йиғилишлари, ҳоким ва унинг ўринбосарлари иштирокида ўтказиладиган йиғилишлар ва бошқа тадбирлар ўтказилишини таъминлайди, қабул қилинган қарорлар амалга оширилишини назорат қилади;

туризм ва спорт соҳасидаги ҳокимликнинг комиссиялари ва бошқа ишчи органлари ишларини ташкил этади, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлантиради ва назорат қилади;

вилоят ҳокимининг ҳудудда туризм ва спортни ривожлантиришнинг муҳим ва долзарб масалалари бўйича ҳисоботи халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан эшитилишини ташкиллаштиришда соҳага тааллуқли материалларни тайёрлайди;

- маданий-таништирув мақсадида умумий ўрга таълим муассасалари ўқувчилари учун экскурсия ва саёҳатлар ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга қўмаклашиш;

- юртимизда ва чет эл мамлакатларида бўлиб ўтадиган миллий ва халқаро туризм ярмаркаларида мунтазам равишда фаол иштирок этиш йўли билан ҳудуднинг ижобий киёфасини шакллантириш;

- чет эл мамлакатлари билан туризм соҳасида, айниқса, туристлар оқимини қўнайитириш ҳамда уларни жалб қилиш бўйича ҳамкорлик ва келишувларни ваколатли органлар билан биргаликда амалга ошириш;

- вилоятга чегарадош вилоятлар, туман (шаҳарлар) ҳудудида жойлашган туризм объектларига ташриф буюрувчи туристлар оқимини вилоятга жалб қилишга доир ҳамкорлик тадбирларини амалга ошириш;

- жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилишни ташкил этиш, уларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқиш;

- тегишли ҳудудларда туризм ахборот марказларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритишини таъминлаш ва бошқалар.

Ўринбосар вилоят ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари котибиятига раҳбарлик қилади.

Ўринбосар Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси фаолиятини мувофиқлаштиришда иштирок этади.

Ўринбосар унга юклатилган вазифалар доирасида (туризмни ривожлантиришга оид масалаларида) қуйидаги ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришда иштирок этади:

- Вилоят маданият бошқармаси;
- Вилоят жисмоний тарбий ва спорт бошқармаси;
- Вилоят маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш минтакавий давлат инспекцияси;
- Вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси;
- Вилоят иқтисодий ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бошқармаси;
- Вилоят давлат санитария-эпидемиология назорат маркази;
- Вилоят Давлат солиқ бошқармаси;
- Ўзбекистон Республика Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси;
- Марказий банкнинг вилоят бошқармаси ва вилоят тижорат банклари;
- Вилоятдаги туризм соҳаси субъектлари (меҳмонхоналар, туроператорлар, турагентлар, хамроҳ-таржимонлар, умумий овқатланиш шохобчалари ва б.);
- Вилоят телерадиокомпанияси (туризмни ривожлантириш масаласида);
- Вилоят "Хунарманд" уюшмаси;
- "Угам-Чотқол" Давлат табиат миллий боғи
- Вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси;
- Вилоят ошпазлар уюшмаси;
- "Гасвирий ойина" ва бошқа ижодий уюшмалар;
- Вилоят минтакавий темирйўл узели;

- бошқа туризм инфратузилмасини шакллантиришда ва туристларга хизмат кўрсатишда иштирок этувчи ташкилотлар.

Шунингдек, ўринбосар халқ депутатлари вилоят Кенгаши тегишли доимий комиссиялари билан ҳамкорликда фаолият олиб боради.

Ўринбосар фаолияти туризмни ривожлантириш билан боғлиқ комиссия ва кенгашларга раислик ҳамда тегишли ишчи гуруҳларга раҳбарлик қилади.

Ўринбосар ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажаришда вилоят ҳокимининг кўрсатмасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, шунингдек бошқа давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан узаро ҳамкорлик қилади.

Вилоятда туризмни ривожлантириш, ҳудуднинг сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилиш, вилоятга ташриф буюриши кутилаётган сайёҳларга қулай шароитлар яратиш, соҳадаги мавжуд муаммоларни тизимли асосда ҳамда ўз вақтида баргараф этиш учун жавоб беради.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ кўриб чиқади. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади.

Ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумат органларида Тошкент вилоят ҳокимлиги номидан вакиллик қилади.

VIII. Вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши қарорлари, Тошкент вилояти ҳокимининг мазкур мажмуа фаолиятига тегишли қарор, фармойиш ва топшириқларининг бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижалли амалга оширилишини таъминлашга ва назорат қилишга шахсан жавоб беради.

Тошкент вилоятида ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар мажмуа фаолиятини бошқаради.

Мажмуа тизимидаги бошқарма, бошқарма, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг фаолиятини қонунчиликда белгиланган тартибда мувофиқлаштиришни таъминлайди.

I. Ёшлар сиёсати соҳасида:

ёшлар, яъни ўттиз ёшдан ошмаган шахслар, хусусан, таълим билан камраб олинган ёшлар, уюлмаган ёшлар, ёш мутахассислар, тadbиркор ёшлар, ёш фермерлар, ёш oilаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

умумтаълим мактабларининг 9-, 11-синф битирувчиларини касбга йўналтириш ва уларни кейинчалик ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида ўқиш билан тулик камраб олиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш;

профессional таълим муассасалари (касб-ҳунар мактаби, коллеж, техникум) фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, жумладан, уларни ҳудудлар кесимида оптимал жойлаштириш, истеъдодли ёшларни камраб олиш, ўқув жараёни сифатини ошириш;

олий таълим йўналишлари ва олий маълумотли кадрлар тайёрлаш кўрсаткичларининг ҳудудлар бўйича оптимал тақсироти юзасидан асосланган тақлифлар ишлаб чиқиш, битирувчиларни чуқур professional билимларга эга бўлишларига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

таълим тизимининг барча босқичларида ўқув жараёни сифатини, ўқувчи-талабаларининг давоматини таъминлаш юзасидан аниқ чораларни кўриш ва назорат қилиш, бу борада таълим муассасаси, маҳалла, нодавлат ва ношжорат ташкилотлари, профилактика инспекторлари ва oilа-onаларни ўзаро ҳамкорликдаги ишларини мувофиқлаштириш;

аҳоли, ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксаттириш, миллий адабиётимиз ва жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш.

"оммавий маданият"нинг кўринишларига қарши маънавий профилактика ишларига раҳбарлик қилиш;

таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларига, компьютер технологиялари ва интернет-ресурсларидан фойдаланишнинг илғор қўникмаларига ўргатиш бўйича комплекс чора-тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича уларнинг мулоҳазалари ва тақлифларини инобатга олган ҳолда 5 та муҳим ташаббус доирасида аниқ ва манзилли чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқиш, турли тўғарақларга, шу жумладан, болалар мусика ва санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига камраб олиш ишларини тизимли ташкил этиш;

ёшларни юксак ахлокий тарбиялаш, уларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва жамиятда юксак маънавиятини қарор топтириш борасидаги ишларга раҳбарлик қилиш;

ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар тарбияси масаласида жамоатчилик назоратини ташкил этиш, жамиятда тинчлик ва оқойишталикни таъминлаш соҳасидаги вазифаларни самарали бажаришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ота-оналарнинг педагогик маданиятини юксаттиришга, баркамол авлод тарбиясида "оила-махалла-таълим муассасаси" ҳамкорлик концепциясини амалга оширишга раҳбарлик қилиш;

уюлмаган ёшларнинг манфаатларини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи давлат органлари, муассасалар ва нодавлат ноижорат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган устувор йўналишларни белгилаш;

уюлмаган ёшларнинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш учун уларнинг эҳтиёжини аниқлаш бўйича мониторинг олиб бориш ва баҳолаш, касбга ўргатиш, ишга жойлаштириш, жумладан, кичик ва ўрта бизнес ва оилавий тадбиркорликка кенг жалб этиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш;

ёш мутахассисларни ишга жойлаштиришнинг тизимли мониторингини ташкил этиш, меҳнат бозорида уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган махсус дастурларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш, ёш кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ишларни амалга ошириш;

ёшлар тадбиркорлиги ҳамда ёш фермерлар фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ёшлар тадбиркорлигини ташкил этишда кўмаклашиш, имтиёзли кредитлар бериш, жой ажратиш, моддий ва техник воситалар билан таъминланишга доир дастурларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш;

ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш, кам таъминланган ёш оилаларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда моддий ёрдам бериш чораларини кўриш.

ҳар томонлама қамол топган, қатъий эътиқодга ва қарашларга эга бўлган, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек ёшларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ишларини тегишли берилган ваколат доирасида таъминлайди;

ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини ва ижтимоий фаоллигини оширишга, шунингдек ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган ишларни тегишли масъул идоралар билан ҳамкорликда ташкил этади;

ёшларнинг иш билан бандлиги, уларни кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, шунингдек ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига кўмаклашади;

иктидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратилишида иштирок этади;

болалар ва ёшларни спорт билан мунтазам шугулланишга кенг жалб этиш, jismoniy соғлом ва ёш авлодни шакллантириш, спорт иншоотларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ва улардан самарали фойдаланиш, уларни жаҳон стандартларига жавоб берадиган жиҳозлар ва ускуналар билан таъминлаш чораларини кўради;

2. Ижтимоий ривожлантириш соҳасида:

аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, ҳаёт ва меҳнат фаолияти, малакати тиббий ёрдам олиш, маданий мерослардан баҳраманд бўлиш, маданий дам

олишини ташкил этиш учун қулай ташкилий-ҳукукий ва ижтимоий шарт-шароитларни яратиш ҳамда сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёж ва талабларини ўрганиш асосида ҳудудларда ижтимоий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва ижросини мониторинг қилиш;

соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига юқори малакали тиббий ёрдамни кўрсатиш, соғлиқни сақлаш муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш борасида тизимли ишларни амалга ошириш;

қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг иш самарадорлигини ошириш, ҳар бир инсон ва бутун оила даражасида энг кўп учрайдиган касалликлар профилактикаси ва даволаш жараёнини ташкил этиш, оилаларни патронаж тизими билан тулик камраб олиш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини, шу жумладан соғлом овқатланишни тарғиб қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш, туғма ва ирсий касалликларни олдини олиш, ривожланиш нуқсонли бўлган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш сифатини ошириш, уларнинг жамият ҳаётида тўлақонли қатнашишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

аҳолига ташхис қўйишнинг замонавий усуллари жорий этиш ва юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам қўламини янада кенгайтириш. Жаҳон стандартлари даражасидаги энг самарали, мураккаб ва юқори технологияли усуллarga бўлган аҳоли эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган тадбирлар ижросини таъминлаш;

аҳолини дори воситалари билан таъминлашни янада яхшилаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган сифатли дори воситалар ва тиббий буюмлар билан таъминот даражасини ошириш, маҳаллий фармацевтика саноатига инвестициялар киритиш учун чет эл етакчи компаниялари ва инвесторларини жалб қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, оналар ва болалар соғлиғи муҳофазасини таъминлаш, қишлоқ врачлик пунктларининг, диагностика, перинатал ва скрининг-марказларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чораларини кўриш;

аҳолининг турмуш маданиятини, ҳаёт сифатини оширишга қаратилган таълим, дам олиш ва ҳордик чиқариш, бандлик, маиший хизматлар кўрсатиш, маданият, санъат ва бошқа муассасаларидан фойдаланиш қўламини кенгайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

ёшлар ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг тинч осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар ижросини мувофиқлаштириш.

3. Маънавий-маърифий ишлар соҳасида:

аҳоли ўртасида мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг қўламли ислохотларнинг моҳияти, қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурлари аҳамиятининг тарғибот ва таъшикотини ташкил қилиш;

аҳолининг маънавий муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиб бориш асосида ҳудудда маънавий муҳит соғломлигини таъминлаш, ташкилий-ҳукукий шаклдан қатъи назар барча ташкилотларнинг маънавий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириш ва раҳбарлик қилиш;

аҳолининг маънавий-ахлоқий, диний-маърифий, маданий савиясини ошириш ва унинг доимий равишда ўсиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш, маънавий-маърифий меросни, урф-одат ва қадриятларни сақлаш, тарғиб қилиш ишларига раҳбарлик қилиш;

вилоятда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ташкил этиш масалаларини мувофиқлаштириш, тадбирларнинг мақсадини, режаларини, тартибли ташкил этиш ва тарбиявий самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирларини куриш;

вилоятда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, одамларни хушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, ёшларда ёт гоёларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган самарали тарғибот тизимини йўлга қўйиш;

аҳоли орасида диний экстремизм, терроризм, ғиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, "оммавий маданият" таҳдидларидан огоҳ қилишга қаратилган профилактик маърифий, тарбиявий чора-тадбирларга раҳбарлик қилиш;

аҳоли орасида меҳр-оқибат, меҳр-шафқат, мурувват ва ҳиммат, инсофу диёнат, виждонийлик, аҳиллик ва тотувлик, фидойилик, ватанпарварлик, олижаноблик ва бошқа фазилатларни тарғиб қилиш ҳамда маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришда маҳалла инеги тутишининг ўрни ва ролини ошириш борасидаги ишларга раҳбарлик қилиш;

мамлакатда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар бўйича сиёсатнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ҳудудда ташкил этиладиган чора-тадбирлар мазмунини, самарадорлигини таҳлил қилиш, соҳаларнинг тизимли фаолиятини ташкил қилиш.

оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ташкил этиш масалаларини ҳамда масъул идоралар томонидан оммавий тадбирларни ўтказишнинг белгиланган тартибига риоя этиш юзасидан фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўзлуksиз таълим ва кадрлар тайёрлаш жараёнини ташкил этиш, таълим жараёнига халқаро нормалар ва талабларга жавоб берадиган илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, таълим стандартларини жорий этиш ишларини амалга ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш ҳамда шу асосда таълим тизимини ислох қилиш жараёнларини янада чуқурлаштириш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

маданият ва санъатни ривожлантириш, миллий маданий ва маънавий меросни эҳтиётлаб асраш ва қўпайтириш, аҳолининг маданий савиясини ошириш ва унинг доимий равишда ўсиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш, ёшларнинг ижодий салоҳиятини намоён қилиш, шунингдек маданият, болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишни мувофиқлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг "Васийлик ва ҳомийлик туғрисида"ги Қонун талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш мақсадида вилоятда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга бериш учун мулжалланган турар-жойларнинг қатъий ҳисоби олиб борилишини ҳамда уларни турар-жойлар билан таъминлаш туғрисидаги ҳужжатларнинг ўз вақтида ҳолисона қўриб чиқилишини, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга турар-жой берилишида қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш;

вилоятда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари фаолиятини мувофиқлаштириш (яъни ҳамкорлик қилиш), ахборот таҳлил гуруҳи билан биргаликда даврий нашрларга обунани ташкил этиш;

мажмуа тизимига қирувчи ташкилотларнинг кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш, тайинлаш ва вазифасидан озод этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни бажаришда республика ҳамда марказий тузилмалар раҳбарияти билан ҳамкорлик қилиш;

мажмуа тизимидаги раҳбар лавозимларга амалдаги ва истиқболли кадрлар захирасини шакллантириш юзасидан таклифлар киритади. Заҳирага киритилган номзодларни тайёрлаб бориш ишларини ташкил этади.

Тошкент вилояти ҳокимининг мажмуа фаолиятига оид қарори ва фармойишлари лойиҳаларини келишиш учун имзолайди.

Ҳокимнинг қабул қиладиган қарор, фармойиш ва ҳужжатларини лойиҳаларини сифатли тайёрлашда ахборот-таҳлил гуруҳи билан ҳамкорлик олиб боради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ қўриб чиқади. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қиладди.

Ўз нақолати доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумат органларида Тошкент вилоят ҳокимлиги номидан вакиллик қиладди.

Қуйидагилар фаолиятини мувофиқлаштиради ва биргаликда ишларни ташкил этади:

- Вилоят ҳокимлиги ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича қотибияти;

- Тошкент давлат аграр университети;

- Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти;

- Чирчиқ давлат педагогика институти;

- И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг Олмалик филиали;

- Москва Миллий технологик тадқиқотлар университети "МИСиС" нинг Олмалик шаҳридаги филиали;

- Астрахан Давлат университети Тошкент вилояти филиали

- Вилоят халқ таълими бошқармаси;

- Вилоят мактабгача таълим бошқармаси;

- Вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси;

- Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси;

- Вилоят давлат санитария эпидемиология ва жамоат саломатлиги бошқармаси;

- Вилоят маданият бошқармаси;

- Вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти;

- Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси

- Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши;

- "Ўзбеккино" Миллий агентлиги вилоят бўлими;

- "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси вилоят бўлими;

- Тошкент вилояти архив иши бошқармаси;

- "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти вилоят филиали;

- ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармаси;

- "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари;

- Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят Кенгаши;

- Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими;

- "Ёзувчилар уюшмаси" вилоят бўлими.

- Қотибият фаолиятига алоқадар бўлган бошқа ҳамкор ташкилотлар билан.

Қуйидагилар билан ҳамкорликни уюштиради:

- Вилоят ички ишлар вазирлиги;

- Маданият вазирлиги;

- Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси;

- Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Маразий Кенгаши;

- Халқ таълими вазирлиги;

- Мактабгача таълими вазирлиги;

- Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тошкент вилоятидаги илмий-текшириш институтлари;

Қуйидагиларнинг иш фаолиятини ташкил этади:

- Вилоятда оммавий тадбирларни назорат қилувчи комиссияси;
- Наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича вилоят минтақавий комиссияси;
- Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик бўйича комиссияси;
- Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш юзасидан тизимли назорат ва мониторингни таъминлаш бўйича вилоят мувофиқлаштирувчи гуруҳи;
- вилоят Маънавият ва маърифат Кенгаши;
- Ёшлар масалалари бўйича вилоят идоралараро Кенгаши;
- Вилоят ҳокимлиги вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссияси;

IX. Вилоят ҳокимининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбасари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши қарорлари, Тошкент вилояти ҳокимининг мажмуа фаолиятига тегишли қарор, фармойиш ва топшириқларининг бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирларнинг самарали, сифатли ва натижалли амалга оширилишини таъминлашга ва назорат қилишга шахсан жавоб беради.

Тошкент вилоятида жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича фаолиятини бошқаради:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ва диний масалаларни ҳал этишда давлат сиёсатини олиб боради;

давлат органларининг Тошкент вилоятида жойлашган жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини таъминлаш чораларини кўради;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг манфаатларини ҳисобга олиш бўйича давлат сиёсатини амалга оширади;

давлат органларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ўзаро ҳаракатларини мувофиқлаштириш ҳамда виждон эркинлигини ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилади;

"Ҳаж" ва "Умра" тадбирларини ўтказишда маҳаллий давлат, жамоатчилик ва диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

маънавий ва миллий қадриятларга, халқимизнинг диний эътиқодлари ва урф-одатларига қарши йўналтирилган мафкуравий таҳдидларга қарши самарали курашни, ёт гояларни тарқатишга қарши кураш олиб бориш тадбирлари амалга оширилишини таъминлайди;

миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашда давлат органларининг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлигини мувофиқлаштиради;

миллатлараро дўстлик принципларини қарор топтиришга, миллатлараро муносабатлар маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган жамоатчилик ташаббусларини рағбатлантириш, мувофиқлаштириш ва тақдирлаш чора-тадбирларини кўради;

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармасининг, Ўзбекистон "Маҳалла" ҳайрия жамоат фондининг ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг минтақавий тузилмалари фаолиятига қўмаклашади;

Тошкент вилоятида дин билан боғлиқ аҳвол, миллатлараро муносабатлар ва ижтимоий-сиёсий жараёнларни мунтазам ўрганиш, уларни янада соғломлаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқади;

диний ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, сиёсий партиялар, миллий маданият марказлари ва дўстлик жамиятларининг ҳудудий тузилмалари томонидан Ўзбекистонда белгиланган вазифаларнинг самарали бажарилишига қўмаклашади ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

маънавий-маърифий йўналишда тарғибот ишларини ташкил этишда ҳамкорлик қилади;

мажмуа таркибига кирувчи ташкилотларнинг кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш, тайинлаш ва вазифасидан озод этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни бажаришда республика ҳамда марказий тузилмалар раҳбарияти билан ҳамкорлик қилади;

диний экстремизм ва миссионерлик фаолияти гояларининг тарқалишига қарши тушунтириш ҳамда профилактика ишларини ташкил этишни мувофиқлаштиради;

мажмуага қарашли раҳбар лавозимларга амалдаги ва истикболли кадрлар захирасини шакллантириш юзасидан таклифлар киритади. Захирага киритилган номзодларни тайёрлаб бориш ишларини ташкил этади;

вилоят ҳокими қарори ва фармойишлари лойиҳаларини келишиш учун имзолайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тугрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ қўриб чиқади. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилади.

Ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумат органларида вилоят ҳокимлигидан вакиллик қилади.

Қуйидагилар фаолиятини мувофиқлаштиради ва биргаликда ишларни ташкил этади:

- Вилоят ҳокимлиги жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича котибияти;
- Вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашма Кенгаши;
- Вилоят "Нуроний" жамғармаси бошқарув Кенгаши;

Қуйидагилар билан ҳамкорликни уюштиради:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитаси;

- Вилоятда жойлашган барча диний ташкилотлар;
- Нодавлат ношароат ташкилотлар;
- Сийёсий партияларнинг Марказий Кенгашлари;
- Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси;
- Миллий маданият марказлари;
- Маҷмуа фаолиятига тааллуқли масала бўйича бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари.

Қуйидагиларнинг иш фаолиятини ташкил этади:

- Вилоятда муборақ "Ҳаж" ва "Умра" зиёратига бориш масалаларини мувофиқлаштирувчи комиссия

Х. Вилоят ҳокимининг ўринбосари – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи

Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938 сонли Фармон, 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПК-4602 сонли Қарор ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 апрелдаги 228-сонли қарорига мувофиқ белгиланади.

Вилоят ҳокими ўринбосари вилоят ҳокимига ҳисобот беради.

Вилоят ҳокими ўринбосари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунарига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Тошкент вилояти ҳокимининг қарорлари ва фармойишларига амал қилади.

Вилоят ҳокими ўринбосарининг фаолияти хотин-қизлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришга, аёлларни ишга жойлаштиришга ва уларнинг ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган.

Вилоят ҳокими ўринбосари мақомига кўра Тошкент вилояти ҳокимлигининг Бошқарув аппарати таркибига киради.

Вилоят ҳокими ўринбосари Тошкент вилояти ҳокимининг йўналишларида иштирок этади.

Вилоят ҳокими ўринбосарининг вазифалари ва функционал мажбуриятлари

Бошқармага юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлаш:

худудларда вазирлик ва бошқарма ваколатига оид қонун ҳужжатларига риоя этилишининг назоратини олиб бориш;

давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик қилиш;

маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг инфратузилмасини ривожлантиришга кўмаклашиш;

фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органлари фаолиятидаги муаммоларни комплекс урганиш, таҳлил этиш ва тизимли ҳал қилиш чораларини кўриш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан асосланган таклифлар ҳамда таъсирчан механизмларни ишлаб чиқиш;

фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органларида фаолият кўрсатаётган кадрлар малакасини ошириш юзасидан аниқ чоралар кўриш ва ўқув курсларини ташкил этиш;

худудларда давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш бўйича амалий чоралар қабул қилиш;

маҳаллаларда ҳавфсизликни таъминлаш воситалари ва инновацион технологияларни жорий қилиш ишларини ташкил этиш;

бошқарма ва туман (шаҳар) бўлимларида ички аудит ва молиявий назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш;

хотин-қизлар ҳамда нуронийлар жамоатчилиги кенгашлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

1941 — 1945 йиллардаги уруш фахрийларини ва фашистлар концлагерларининг вояга етмаган соғлиқ маҳбўслари ва Ленинград шаҳри қамал қилинган даврда ишлаган фуқаролар учун мамлакатимизда ишлаб чиқарилган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарларини, зарур кийим-кечак ва пойабзалларни харид қилиш ва етказиб бериш ишларини амалга ошириш;

фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятига хос бўлмаган турли ишларга жалб қилинишига қатъиян йўл қўйилмаслигини амалда ижросини таъминлаш;

туманлар (шаҳарлар) бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ҳужжатлари, Вазирликнинг қарор ва буйруқлари бажарилиши юзасидан мунтазам назорат ўрнатиш;

давлат органлари ва жамоат ташкилотлари, туманларни (шаҳарларни) комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар билан ҳамкорлик қилиш;

маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг инфратузилмасини ривожлантиришга қўмаклашиш чораларини куриш;

фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятидаги муаммоларни комплекс ўрганиш, таҳлил этиш ва тизимли ҳал қилиш чораларини куриш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан асосланган тақлифлар ҳамда таъсирчан механизмларни фаолиятга тадбиқ этиш;

туманлар (шаҳарлар) бўлимлари ва уларнинг фаолиятини ташкилий, услубий ҳамда ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш;

туманлар (шаҳарлар) бўлимлари томонидан киритиладиган ҳужжатларнинг сифатли ва ўз вақтида қайта ишланишини, уларнинг иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишини ташкил этиш;

туманлар (шаҳарлар) бўлимлари фаолиятига раҳбарлик қилиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

худудлардаги бюджетдан молиялаштирилаётган идоравий мансуб ташкилотлар харажатларини молиялаштиришни, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш;

жиомоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этиш;

ўз ваколати доирасида ташкилий, молиявий, кадрлар ва бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш;

фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари ва жамоатчилик асосида фаолият олиб бораётган маслаҳатчиларнинг малакаси ҳамда иш самарадорлигини ошириш;

фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги жамоатчилик тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

фукароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини моддий-техник жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш, уларнинг маъмурий биноларини куриш ишларининг сифати бўйича мониторинг олиб бориш.

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Вилоят ҳокими ўринбосарининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

Вилоят ҳокими ўринбосари ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Вилоят ҳокимлигида куриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни бошқарма ва ташкилотлардан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Бошқарма ва ташкилотлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

мутасаддилик қилинадиган ташкилотлар коллегиял органларининг мажлисларида, шунингдек вилоят ҳокимининг топшириқлари бўйича – давлат органларининг, нодавлат ноишжорат ташкилотларининг ва бошқа ташкилотларнинг вилоят ҳокими ўринбосари юритиши соҳасига қирадиган масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

бошқарма ва ташкилотлар, таълим муассасалар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари вилоят ҳокимлигида куриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гуруҳлар тузиш;

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва вилоят ҳокимлиги Регламенти қаламлари бузилган ҳолда тушадиган ҳужжатларни қайтариш.

Вилоят ҳокими уринбосарининг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек вилоят ҳокимининг қарор ва фармойишлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари ва топшириқлари унинг томонидан белгиланган муддатларда бажарилиши керак.

Вилоят ҳокими уринбосарининг ўзи бошқарадиган масалалар бўйича бошқарма ва ташкилотлар раҳбарларига топшириқлари белгиланган тартибда бажарилиши мажбурийдир.

Вилоят ҳокими уринбосари:

зиммасига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши;

ўзи мутасаддилик қиладиган ташкилотларнинг фаолияти мувофиқлаштирилиши ва назорат қилиниши. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлашга оид масалалар бўйича вилоят ҳокимлигига киритилган таклифларнинг ва ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳар томонлама қўриб чиқилишини таъминлаш;

Вилоят ҳокимлиги Регламентига мувофиқ тақдим этиладиган вилоят ҳокими қарорлари лойиҳаларининг республика давлат манфаатларини, иқтисодий самарадорлигини назарда тутиб ва улардаги масалаларни барча манфаатдор тузилмалар билан боғлаган ҳолда пухта экспертизадан ўтказилиши юзасидан назоратни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқларининг, Ҳукумат қарорлари ва фармойишларининг, вилоят ҳокими қарорлари ва фармойишларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг ва вилоят ҳокими топшириқларининг мутасаддилик қиладиган ташкилотлар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамасининг "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизомига сузсиз риоя этилиши учун жавоб беради.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ қўриб чиқади. Тасдиқланган жадвалга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қиладди.

Вилоят ҳокими уринбосари фаолиятини ташкил этиш

Вилоят ҳокими уринбосарининг ишлари "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, вилоят ҳокимлиги Регламентига, тасдиқланган Низомга, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирини ва вилоят ҳокимининг топшириқларига мувофиқ, шунингдек шахсий иш режаси ва вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасининг иш режаси асосида ташкил этилади.

Вилоят ҳокими уринбосарининг Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорларининг, вилоят ҳокими қарорлари ва фармойишларининг мутасаддилик қиладиган ташкилотларда амалга оширилиши тизимли мониторингини таъминлаш бўйича фаолияти вилоят ҳокимининг топшириқларига мувофиқ комплекс ўрганишларни ўтказиш йули билан, вилоят ҳокимлигининг ҳар чорак якунига қўра ўтказиладиган йиғинлишлари, вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасининг йиғилишларида ҳисоботларни эшитган ҳолда ташкил этилади.

Қуйидагилар фаолиятини мувофиқлаштирилади ва биргаликда ишларни ташкил этади:

- Вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси;
- Вилоят Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди;
- "Соғлом авлод учун" жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими;
- Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Тошкент вилояти ташкилоти;
- "Тадбиркор аёл" Ишбилармон аёллар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими;
- "Олима аёл" вилоят уюшмаси;
- Шаҳар ва туман ҳоким уринбосарлари – Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошликлари

Қўнидагиларнинг иш фаолиятини ташкил этади:

- Зулфия номидаги Давлат мукофотига тақдим этиш комиссияси;
- Вилоятда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, мархумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказиш бўйича комиссияси;
- вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгаши;